

**ОЛИЙ ТАЪЛИМДА  
ТАЛАБАЛАР МУСТАҚИЛ  
ТАЪЛИМИНИ ОММАВИЙ  
ОЧИҚ ОНЛАЙН КУРСЛАР  
АСОСИДА ТАШКИЛ ЭТИШ  
УСУЛЛАРИ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН  
ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ДЕНОВ  
ТАДБИРКОРЛИК ВА ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

ОЛИЙ ТАЪЛИМДА ТАЛАБАЛАР  
МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМИНИ ОММАВИЙ  
ОЧИҚ ОНЛАЙН КУРСЛАР АСОСИДА  
ТАШКИЛ ЭТИШ УСУЛЛАРИ

(Монография)

ТОШКЕНТ – 2023

УЎК: 378.361

КБК 65.42

О 56

Олий таълимда талабалар мустақил таълимни оммавий очик онлайн курслар асосида ташкил этиш усуллари. Монография. –Т.: «Innovatsion rivojlanish nashriyot-matbaa uyi», 2023, 96 бет.

ISBN 978-9943-9597-8-1

Ушбу монографияда олий таълим муассасаларида талабалар мустақил таълимни оммавий очик онлайн курслар (ОООК) таълимий платформалари асосида ташкил этиш усуллари илгор хорижий тажрибалари ўрганилган бўлиб, ундан талабалар мустақил таълимни ОООК таълимий платформалари асосида ташкил қилишда самарали фойдаланиш мумкин.

Шунингдек, монографияда олий таълимда талабалар мустақил таълимни ОООК таълимий платформалар орқали ташкил қилишнинг усуллари, мавжуд имкониятлар, муаммолар ва уларни хал этиш бўйича хулоса ҳамда таклифлар ишлаб чиқилган.

Муаллифлар:

**З.У.БЕРДИНАЗАРОВ, С.В.ХАМИДОВ, О.Т.НУРМАТОВ,  
К.Р.АБДУЛЛАЕВ, Р.Х.БАХРОМОВ**

УЎК: 378.361

КБК 65.42

Тақризчилар:

**Ф.С.Жалилов** – к.ф.д. (DSc);

**О.К.Комилов** – т.ф.д., профессор.

Монография Самарқанд давлат университетининг Денов тадбиркорлик ва педагогика институти илмий Кенгашининг 2023 йил 12 апрелдаги 8-сонли қарорига асосан чоп этилди.

ISBN 978-9943-9597-8-1

© «Innovatsion rivojlanish nashriyot-matbaa uyi», 2023.

## КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сонли Фармони билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси"да олий таълимни тизимли ислох қилишнинг устувор йўналишлари, замонавий билимга эга ва мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, олий таълимни модернизация қилиш ва илгор таълим технологияларига асосланган ҳолда ижтимоий соҳа ҳамда иктисодиёт тармоқларини ривожлантиришга стратегик масалалар сифатида алоҳида аҳамият бериб келинмоқда.

Мазкур концепцияда "Мустақил таълим соатлари улушини ошириш, талабаларда мустақил таълим олиш, танқидий ва ижодий фикрлаш, тизимли таҳлил қилиш, тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, ўқув жараёнида компетенцияларни кучайтиришга қаратилган методика ва технологияларни жорий этиш, бу борада ўқув жараёнига халқаро таълим стандартларига асосланган илгор педагогик технологиялар, таълимий платформалар, ўқув дастурлари ва ўқув-услубий материалларни кенг жорий этиш" вазифалари алоҳида белгиланган.

Шунингдек, олий таълим муассасаларида ўқув жараёнини босқич-ма-босқич кредит-модуль тизимига ўтказиш вазифаси ҳам белгиланганки, унда таълим оладиган талаба ёшларга таълим олиш ва таълим беришнинг халқаро стандартларини жорий этиш ҳамда уларни юқори малакали мутахассислар қилиб тайёрлаш талаблари белгиланган.

Ривожланган мамлакатлар тажрибалари шуни кўрсатмоқдаки, замонавий талаблар асосида ишлаб чиқилган ўқув режалари ва дастурларида талабалар мустақил таълимни ташкил қилиш, назорат ва баҳолаш тизимининг илгор педагогик усул ва воситалари қўлланилганлиги ҳамда улардан самарали фойдаланилаётганлиги талабаларнинг танқидий ва ижодий фикрлаши, тизимли

таҳлил қилиши, тадбиркорлик қобилиятларини ривожлантириши ҳамда мустақил илмий тадқиқот олиб бориш кўникмаларининг шакллантиришга ўзининг ижобий таъсирини кўрсатиб, таълим сифатини оширишга хизмат қилмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда олий таълимда талабалар мустақил таълимини замонавий педагогик ёндашув ва технологиялар асосида, хусусан оммавий очик онлайн очик курслари (ОООК) асосида ташкил этиш лойиҳа ишининг долзарблигини белгилайди.

Рисоланинг асосий мақсади олий таълимда талабалар мустақил таълимини ОООК таълимий платформалар асосида ташкил этиш усуллариининг хорижий амалиётини республикамиз олий таълим муассасаларида самарали фойдаланиш юзасидан амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишга йўналтирилган.

Монографияда Ўзбекистон Республикасининг таълим тўғрисидаги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирининг буйруқлари ҳамда олий таълимда оммавий очик онлайн курсларни ташкил этишга оид маҳаллий ва хорижий олимларнинг адабиётларидан кенг фойдаланилган.

Рисоланинг биринчи бобида олий таълимда талабалар мустақил таълимини ташкил қилишнинг назарий, ҳуқуқий ва методологик асослари ҳамда уларни оммавий очик онлайн курслар (ОООК) асосида ташкил этишнинг зарурияти ва аҳамияти очиб берилган.

Рисоланинг иккинчи бобида Ўзбекистон олий таълимида талабалар мустақил таълимини ташкил қилиш усуллариининг жорий ҳолат таҳлили, хорижий тажрибалар ҳамда улардан самарали фойдаланиш имкониятлари таҳлил қилинган.

Рисоланинг учинчи бобида Ўзбекистон олий таълимида талабалар мустақил таълимини ОООК асосида ташкил қилиш концепцияси ва уни амалга ошириш механизми ҳамда ҳулоса ва таклифлар ишлаб чиқилган.

## І БОБ. ОЛИЙ ТАЪЛИМДА ТАЛАБАЛАР МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМИНИ ОММАВИЙ ОЧИҚ ОНЛАЙН КУРСЛАР АСОСИДА ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

### 1.1. Олий таълимда талабалар мустақил таълимини ташкил қилишнинг ҳуқуқий асослари

Сўнгги йилларда мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий ҳаётида туб ўзгаришлар содир бўлмоқда. Айниқса, таълим соҳасида амалга оширилаётган кенг қамровли туб ислохотларда “Таълим тўғрисида”ги қонуннинг янги таҳрирда қабул қилиниши муҳим ўрин тутди. Ҳар бир мамлакатнинг ривожланиши ёки аксинча, инқирозга юз тутиши мамлакатдаги таълим тизимининг қай даражада такомиллашганига боғлиқ, албатта.

Шу нуқтаи назардан қараганда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сонли Фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси”да олий таълимни тизимли ислох қилишнинг устувор йўналишлари, замонавий билимга эга ва мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, олий таълимни модернизация қилиш ва илғор таълим технологияларига асосланган ҳолда ижтимоий соҳа ҳамда иқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришга стратегик масалалар сифатида алоҳида аҳамият бериб келинмоқда.

Мазкур концепцияда “Мустақил таълим соатлари улушини ошириш, талабаларда мустақил таълим олиш, танқидий ва ижодий фикрлаш, тизимли таҳлил қилиш, тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, ўқув жараёнида компетенцияларни кучайтиришга қаратилган методика ва технологияларни жорий этиш, ўқув жараёнини амалий кўникмаларни шакллантиришга йўналтириш,

бу борада ўқув жараёнига халқаро таълим стандартларига асосланган илғор педагогик технологиялар, таълимий платформалар, ўқув дастурлари ва ўқув-услубий материалларни кенг жорий этиш” вазифалари алоҳида белгиланган.

Шунингдек, унда таълим олувчиларнинг мустақил таълим олишлари, мустақил ишлаш, малакаларини узлуксиз ошириш орқали мутахассисларнинг зарурий компетенцияларга эга бўлиши, ижодий яратувчанлик, тадқиқотчилик, мантикий тафаккурини ривожлантиришга эришишлари мумкинлиги таъкидланган.

Мутахассис кадрлар тайёрлашда таълим жараёнини ташкил қилиш муҳим ўрин эгаллаб, ҳозирги кунда ўқув режаларда талабалар ўқув юкмасининг аудитория (контактли) ва мустақил таълимнинг нисбати бакалаврият таълим йўналишларида 40/60 фоиз нисбатидан 50/50 фоиз нисбатигача, магистратура мутахассисликларида 30/70 фоиз нисбатидан 50/50 фоиз нисбатигача ажратилган.

Замонавий талаблар асосида ишлаб чиқилган ўқув дастурларида талабалар мустақил таълимини ташкил этиш ва назорат қилиш илғор педагогик усул ва воситалардан фойдаланган ҳолда олиб борилаётганлиги талабаларда танқидий ва ижодий фикрлаш, тизимли таҳлил ҳамда тадбиркорлик қобилиятларини ривожлантириш, мустақил илмий тадқиқот олиб бориш кўникмаларини шакллантиришга ўзининг ижобий таъсирини кўрсатиб, таълим сифатини оширишга хизмат қилмоқда.

Олий таълимда талабалар мустақил таълимини ташкил қилишнинг ҳуқуқий-меъёрий асосларини таҳлил қиладиган бўлсак, энг аввало, Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрдаги ЎРҚ-637-сонли янги таҳрирдаги “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сонли “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони, 2021 йил 24 декабрдаги, ПҚ-60-сонли “Давлат олий таълим муассасаларининг академик ва ташкилий-бошқарув

мустақиллигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 декабрдаги “Олий таълим муассасаларида таълим жараёнини ташкил этиш билан боғлиқ тизимни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 824-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2021 йил 15 январдаги “Олий таълим муассасаларида ўқув жараёнига кредит-модуль тизимини жорий этишнинг ташкилий масалаларига тааллуқли ҳужжатлар намуналарини тасдиқлаш тўғрисида”ги 30-сон, 2021 йил 19 октябрдаги “Олий таълимнинг давлат таълим стандарти. Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори. Ўзбекистон Республикасининг давлат стандартини тасдиқлаш тўғрисида”ги 11-сон буйруқлари ҳамда бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар қабул қилинганлигини кўриш мумкин.

“Таълим тўғрисида”ги Қонунда таълим тушунчасига қуйидагича таъриф берилган: “таълим – таълим олувчиларга чуқур назарий билим, малакалар ва амалий кўникмалар беришга, шунингдек, уларнинг умумтаълим ва касбий билим, малака ҳамда кўникмаларини шакллантиришга, қобилиятини ривожлантиришга қаратилган тизимли жараён”<sup>1</sup>.

Таълим ўз навбатида қуйидаги турларга – мактабгача таълим ва тарбия; умумий ўрта ва ўрта махсус таълим; профессионал таълим; олий таълим; олий таълимдан кейинги таълим; кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш; мактабдан ташқари таълим турларига бўлинган.

Таълим олишнинг эса бир қанча шакллари мавжуд бўлиб, улар ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда таълим олиш (кундузги); ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда таълим олиш (сиртки, кечки, масофавий); дуал таълим; оилада таълим олиш ва мустақил таълим

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрдаги ЎРҚ-637-сонли янги таҳрирдаги “Таълим тўғрисида”ги Қонуни.

олиш; катта ёшдагиларни ўқитиш ва уларга таълим бериш; инклюзив таълим; экстернат тартибдаги таълим; муҳофаа, хавфсизлик ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти соҳасида кадрлар тайёрлаш<sup>2</sup> шакллари ташкил қилади.

Мазкур қонунга кўра, мустақил таълим олиш яқка тартибда амалга оширилади ҳамда таълим олувчиларни касбий, интеллектуал, маънавий ва маданий ривожлантиришга хизмат қилиши белгиланган<sup>3</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сонли “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармонида “олий таълим муассасаларида ўқув жараёнини босқичма-босқич кредит-модуль тизимига ўтказиш; халқаро тажрибалардан келиб чиқиб, олий таълимнинг илғор стандартларини жорий этиш, жумладан, ўқув дастурларида назарий билим олишга йўналтирилган таълимдан амалий кўникмаларни шакллантиришга йўналтирилган таълим тизимига босқичма-босқич ўтиш” таъкидланган.

Мазкур Концепцияда “...таълим жараёнига рақамли технологиялар ва замонавий усулларни жорий этиш ҳамда мустақил таълим соатлари улушини ошириш, талабаларда мустақил таълим олиш, танқидий ва ижодий фикрлаш, тизимли таҳлил қилиш, тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, ўқув жараёнида компетенцияларни кучайтиришга қаратилган методика ва технологияларни жорий этиш, ўқув жараёнини амалий кўникмаларни шакллантиришга йўналтириш, бу борада ўқув жараёнига халқаро таълим стандартларига асосланган илғор педагогик технологиялар, ўқув дастурлари ва ўқув-услубий материалларни кенг жорий этиш”<sup>4</sup> алоҳида қайд этилган.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрдаги ЎРҚ-637-сонли янги таҳрирдаги “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, 15-модда.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрдаги ЎРҚ-637-сонли янги таҳрирдаги “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, 18-модда.

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепцияси; 3-боб.

Шунингдек, Концепцияда таълим жараёнига рақамли технологиялар ва замонавий усулларни жорий этиш бўйича қуйидаги тадбирлар амалга оширилиши белгиланган:

– “рақамли иктисодиёт учун юқори малакали муҳандис-техник кадрлар тайёрлаш тизимини ташкил этиш;

– замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва таълим технологияларининг мустақам интеграциясини таъминлаш, бу борада педагог кадрларнинг касбий маҳоратини узлуксиз ривожлантириб бориш учун қўшимча шароитлар яратиш;

– таълим жараёнларини рақамли технологиялар асосида индивидуаллаштириш, масофавий таълим хизматларини ривожлантириш, вебинар, онлайн, «blended learning», «flipped classroom» технологияларини амалиётга кенг жорий этиш;

– замонавий ахборот-коммуникация технологиялари асосида масофавий таълим дастурларини ташкил этиш”<sup>5</sup>.

Мазкур концепцияни ижроси доирасида 2020-2021 ўқув йилидан синов тариқасида 35 та олий таълим муассасасида ўқув жараёни кредит-модуль тизимига ўтказилди. 2022-2023 ўқув йилидан бошлаб эса республикадаги барча олий таълим ташкилотлари ўқув жараёни кредит-модуль тизимига ўтказилди ҳамда ОТМларда ECTS кредит-модуль тизими жорий этилди.

Ҳозирги кунда ECTS кредит-модуль тизимида фаолият юритадиган олий таълим муассасалари ўқув жараёни таҳлил қилинганда, уларнинг аксариятида умумий ўқув юкласининг 40%и аудитория - маъруза амалий, семинар, лаборатория машғулотларига ва 60% талабанинг мустақил таълимига ажратилганлигини кўриш мумкин. Бу нисбат бошқача қилиб айтганда, 1:1.5 тўғри келади, яъни талаба муайян фан бўйича белгиланган ҳар 1 соат дарс учун дарсдан ташқарида бир ярим соат мустақил ўқиши, тайёрланиши керак бўлади.

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепцияси.

Қисқача айтганда, талаба аудитория соатларида маълум бир фанни максимал 40 фоизинигина ўзлаштириши мумкин. Бу кўрсаткични тўлиқ бажарилиши risks талабани фанни ўзлаштиришга бўлган муносабатига, ўқитувчи томонидан дарс жараёнини ташкил этилишига, маҳорат ва тажрибасига ҳам бевосита боғлиқ.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 декабрдаги “Олий таълим муассасаларида таълим жараёнини ташкил этиш билан боғлиқ тизимни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 824-сон қарори билан тасдиқланган “Олий таълим муассасаларида ўқув жараёнига кредит-модуль тизимини жорий этиш тартиби тўғрисида” Низомда талабаларнинг мустақил таълимини ташкил этиш ҳақида қисқача умумий фикрлар билдирилган, аммо уни самарали ташкил қилишнинг муҳим тамойил ва механизмлари кўрсатиб ўтилмаган.

Шу боис, бугунги кунда ОТМлар ўртасида талабалар мустақил таълимини ташкил этиш ва назорат қилишнинг таъсирчан ҳуқуқий-меъёрий асослари мавжуд эмас ҳамда ушбу йўналишда алоҳида ҳуқуқий-меъёрий ҳужжат бўлишлигини тақозо этади.

## **1.2. Олий таълимда талабалар мустақил таълимини ташкил қилишнинг назарий методологик асослари**

Талабанинг ўқув дастури бўйича ўқиётган фанларини яхши ўзлаштириши ва мазмун-моҳиятини тўлиқ англаб етишида, унинг томонидан олиб бориладиган мустақил таълимнинг аҳамияти бениҳоят катта.

Талабаларнинг мустақил таълими (ТМТ) – бу талабанинг ўзига хос ўқув фаолияти бўлиб, у дидактик топшириқларни мустақил равишда бажаришга, ўқишга қизиқтиришга ва муайян фан соҳасида билимларни оширишга йўналтирилган. Талабани мустақил таълимини ташкил этиш тавсия этиладиган йўналишлар мазмуни мантикий фикрлашни, ижодий фаолликни, ўқув материални ўзлаштиришда тадқиқотчилик ёндашувини шакллантиришга

имкон берувчи амалий топшириқларни бажариш билан боғлиқ бўлади.

Биз ўқув жараёнини ECTS кредит-модуль тизимида ташкил этар эканмиз, талабани онгидан “билим олиш вақти аудиториядаги дарс машғулотларидангина иборат” деган тушунчани чиқариб ташлашга эришишимиз керак. Яъни талабада янги билимнинг манбаи фақат ўқитувчи ёки аудитория машғулотлари эмас, балки улар (ўқитувчи, дарс машғулотлари) унинг учун йўл кўрсатувчи, йўналтирувчи, дастлабки ва умумий маълумотларни берувчи сифатида қараш лозимлиги бўйича тушунчаларни шакллантиришимиз керак.

Чунки, талаба аудиторияда ўқитувчи томонидан берилган дастлабки маълумотлар ва тушунчаларни янада чуқурроқ ўрганиб мустаҳкамлаши, ўзида малака ва кўникмаларни ҳосил қилиши ўзи томонидан олиб бориладиган мустақил таълимга, унда бажарилган мустақил ишларига, умуман олганда, ўзининг хатти-ҳаракати ва интилишига боғлиқ эканлигини ҳис этиши лозим.

Бунини мисол асосида тушунтирадиган бўлсак, талаба фан бўйича 1 кредит тўплаши учун 12 соат аудитория машғулотлари (маъруза, амалий ва лаборатория машғулотлари, семинар дарслари)да қатнашиши ва 18 соат ҳажмдаги мустақил таълим олиб бориши, бу бўйича ўқитувчи раҳбарлигидаги ва яқка тартибда мустақил иш турларини бажариши керак бўлади.

ТМТнинг сифатли бажарилиши ва талаба фаолияти яхши самара бериши, энг аввало фан ўқитувчисига боғлиқ, яъни ўқитувчининг талабани фанга қизиқтира олиши, мотивация бера олиши, креативлигига боғлиқ. Ўқитувчи талабаларга ўз вақтидан самарали фойдаланишлари учун уларга дарсдан ташқарида ўқиш учун адабиётларни, оммавий очик ўқув манбаларини, қизиқарли материалларни ҳамда турли топшириқлар ва муаммолар бериб бориши керак бўлади.

Шунингдек, ТМТ мазмуни фаннинг хусусиятидан, олий ўқув юртининг техник имкониятларидан ва кутубхонанинг ўқув-услубий таъминланганлигидан келиб чиқиб аниқланади. ТМТ инновацион технологияларга асосланган бўлиши керак.

Ўқитувчи раҳбарлигидаги талабанинг мустақил таълими (ЎРТМТ) яқка тартибда ва гуруҳ тарзида ҳамда маслаҳат ва интерфаол шаклларда амалга оширилиши мумкин. Гуруҳ тарзидаги ЎРТМТ ҳар бир фан бўйича бутун академик ўқиш даврида сана, вақти, аудиторияси ва тьюторларни кўрсатган ҳолда тасдиқланган график жадвал асосида амалга оширилиши мақсадга мувофиқ.

Мустақил таълимни бажариш бўйича яқка тартибда маслаҳат олган талаба ўқитувчиларнинг меҳнатини ҳисобга олиш бўйича юритиладиган махсус қайд журналига регистрациядан ўтади ва имзо қўяди. ТМТнинг ҳажми, мазмуни ва ҳисобот турини, ишнинг ҳажмини (соатларда), кетма-кетлигини ва топшириш муддатларини кафедра белгилайди. Шунингдек бажарилган ТМТ сифатини назорат қилиб, ТМТ натижалари бўйича талабалар ва ўқитувчиларнинг ҳисоботларини кўриб чиқади. Бунинг учун кафедра микёсида ТМТ сифатини назорат қилиш бўйича махсус комиссия ҳам ташкил этилиши мумкин. Ушбу комиссия фанлар кесимида ТМТ-ни ташкил қилиш ва режалаштириш, уларни тарқатиш, топшириш муддатларини ҳамда сифатини назорат қилиш, шунингдек, услубий таъминотини яхшилаш мақсадида ташкил қилиниши мумкин.

ТМТнинг асосий мақсади ўқитувчининг раҳбарлиги ва назорати остида талабада муайян ўқув ишларини мустақил равишда бажариш учун зарур бўлган билим ва кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантиришдир. Талаба мустақил таълимнинг вазифалари қуйидагилардан иборат бўлиши лозим:

- таълимни шахсга қаратилиши;
- талабани мустақил ишлаш олишга йўналтириши;
- янги билимларни мустақил тарзда пухта ўзлаштириш кўникмаларига эга бўлиш;

– керакли маълумотларни излаб топиш, қулай усул ва воситаларни аниқлаш;

– ахборот манбалари ва манзиллардан самарали фойдаланиш;

– анъанавий ўқув ва илмий адабиётлар, меъёрий ҳужжатлар билан ишлаш;

– электрон ўқув адабиётлар билан ишлаш;

– интернет тармоғидан мақсадли фойдаланиш, берилган топшириқнинг рационал ечимини белгилаш;

– ТМТни ташкил этишда қуйидаги шакллардан фойдаланиш мумкин:

– айрим назарий мавзуларни ўқув адабиётлар ёрдамида мустақил ўзлаштириш;

– ОООК томонидан тақдим этилаётган курслар орқали билимини мустаҳкамлаш;

– ижтимоий тармоқлардаги видеодарслардан фойдаланган ҳолда билимини мустаҳкамлаш;

– ҳажми, мураккаблиги, мазмуни талабаларнинг ўзи томонидан шакллантириладиган илмий кроссвордлар тузиш;

– турли хил тавсифдаги уй вазифаларини бажариш (масалалар ечиш, турли жадваллар тузиш ва тўлдириш);

– амалий машғулотларга тайёргарлик кўриш ва бошқалар.

Талабага мустақил таълимни ташкил қилиш ва бажариш бўйича дастлабки кўрсатма ва тавсиялар тақдим этилади. Мустақил таълимни амалга ошириш учун талабага ахборот манбаи сифатида дарслик ҳамда ўқув қўлланмалар, ОООК тизимидаги курслардан рўйхатдан ўтиш тартиби ва ундаги маълумотлардан фойдаланиш тартиблари тўғрисидаги қўлланмалар, интернет сайт хаволалари, методик қўлланма ва кўрсатмалар, маълумотлар тўплами ҳамда илмий оммавий даврий нашрлар, интернет тармоғидаги тегишли маълумотлар, бериладиган мавзу бўйича аввал бажарилган ишлар намуна сифатида тақдим этилади.

Университет раҳбарияти томонидан талабаларга мустақил ишларни ўз вақтида бажариш учун компьютер техникаси ва интернет тармоғидан самарали фойдаланиш учун шарт шароитлар яратиб берилди. Талабанинг мустақил таълими унинг аудиторияда ва ундан ташқарида, ўқитувчи раҳбарлигида ёки ўқитувчи иштирокисиз амалга ошириладиган мустақил иш мажмуини англатади. Мустақил иш куйидаги шарт-шароитларда амалга оширилиши мумкин:

– аудиторияларда – маъруза, амалий машғулот, семинар ёки лаборатория ишлари бўйича қўшимча вазифалар бериш жараёнида;

– ўқитувчи билан дарс жараёнидан ташқарида бевосита мулоқот чоғида маслаҳатлар бериш, ижодий мулоқотлар жараёни, индивидуал топшириқлар бериш орқали;

– ахборот ресурс марказида, уйда, талабалар турар жойларида, кафедраларда талаба томонидан ўқув ёки ижодий топшириқларни бажариш жараёнида.

Мустақил иш бўйича тест саволлари, топшириқлар ва машқлар устида ишлаш асосан мустақил бажарилади. Бу иш натижалари эса аудитория (амалий ва лаборатория) машғулотларида ўқитувчи раҳбарлигида таҳлил қилинади ва баҳоланади.

Амалий ва лаборатория машғулотларини (АЛМ) бажариш – Мустақил ишларнинг асосий кўринишларидан бири амалий ишларни бажариш жараёнидир. Амалий машғулотлар талабада билимни мустаҳкамловчи уларни янги вазиятга кўчириб, амалий масала ва вазиятларни ҳал қилиш учун умум-педагогик тушунчалар ва асосий педагогик маҳоратларни ривожлантиришга қаратилган.

АЛМда янги психологик-педагогик таъхис ва методикалар билан танишиб, улар билан ишлайдилар, гуруҳларга бўлинган ҳолда ва педагогик технологияларни таҳлил қилишади. Лаборатория машғулотларининг асосий тавсифи шундаки, унда талабалар мустақил равишда вазифа бажарадилар ёки тажриба ўтказадилар.

Китоблар ва ўқув адабиётлари билан ишлаш кўникма ҳамда малакаларини шакллантириш – мустақил таълим олишнинг кенг тарқалган ва асосий кўриниши ҳисобланади. Ўқув адабиётлари билан ишлашни барча таълим олувчилар яхши ўзлаштирган бўлишлари лозим. Ўқув адабиётлари деганда, дарсликлар, ўқув қўлланмалар, техник адабиётлар, маълумотлар, йўриқномалар ва х.к. тушуниш мумкин.

Бугунги кунда аксарият ОТМларда ТМТни анъанавий шакллардан фойдаланган ҳолда ташкил қилинган. Жумладан, мавзунини мустақил ўзлаштириш – ушбу шаклдаги топшириқни бажариш жараёнида талабалар мустақил равишда ўқув адабиётларидан фойдаланиб, ушбу мавзунини конспектлаштирадилар, таянч ибораларнинг моҳиятини англаган ҳолда мавзуга тааллуқли саволларга жавоб тайёрлайдилар. Зарур ҳолларда (ўзлаштириш кийин бўлса, саволлар пайдо бўлса, керакли адабиётларни топа олмаса, мавзунини тизимли баён эта олмаса ва х.к.) фаннинг профессор-ўқитувчисидан маслаҳатлар оладилар. Мустақил ўзлаштирилган мавзу бўйича тайёрланган матн профессор-ўқитувчига ҳимоя қилиш орқали топширилади.

Реферат тайёрлаш мазкур фан бўйича ўтиладиган семинар машғулотидаги чиқишга қараганда мазмун ва сифат жиҳатдан юқори бўлиб, шубҳасиз катта фойда келтиради. Талаба аудитория олдида рефератда баён қилинган қоидаларни ҳимоя қилишга, ёқлашга тайёрланиши керак, қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятини ташкил этиш ва бошқаришни ўрганишда бу муҳим аҳамиятга эга. Аммо ҳозирги амалиётда ушбу шакл талабалар томонидан тайёр материални кўчириш билан чекланиб қолмоқда. Бундай шаклларни қўллаш механизминини такомиллаштириш талаб этилади.

Кейс-стадилар (муаммоли вазиятлар таҳлили) тайёрлаш. Кейс усули (ингл. Case method - кейс-усули, кейс-стади) аниқ бир вазият ёки муаммоли ҳолат таҳлили сифатида таълим бериш ҳамда

Ўрганиш техникасини ифодалайди. Кейс-стади усулида аниқ муаммолар, вазиятли ҳолатлар батафсил ёритилади ҳамда уларни ҳал этиш бўйича хулосалар, ечимлар ва тавсиялар ишлаб чиқилади. Бу усулда талабалар юзага келган муаммо ёки вазиятни муфассал ўрганиб, таҳлил этишлари ҳамда бу вазиятни бартараф этишнинг турли муқобил вариантларини ишлаб чиқишлари ва улардан энг оптимал битта ечимни танлаб олишлари талаб қилинади. Ҳозирги амалиётда эса профессор-ўқитувчилар томонидан ушбу шаклдан жуда кам фойдаланилади. Сабаби профессор-ўқитувчиларнинг кейс - стадилар топшириқларини тайёрлаш ва беришда малака ҳамда тажрибалари етишмайди. Ушбу шаклни ТМТда янада кенгрок ривожлантириш мақсадга мувофиқдир.

Кўргазмали воситалар тайёрлаш. Талабага муайян мавзунини баён этиш ва яхшироқ ўзлаштириш учун ёрдам берадиган ахборот-коммуникация воситалари ёрдамида бажариладиган кўргазмали материаллар тайёрлаш вазифаси топширилади. Мавзу профессор-ўқитувчи томонидан аниқланиб, талабага маълум кўрсатмалар, йўл-йўриқлар берилади. Кўргазмали воситаларнинг микдори, шакли ва мазмуни талаба томонидан мустақил танланади. Бундай вазифани бир мавзу бўйича бир неча талабага ёки талабалар гуруҳига топшириш ҳам мумкин.

Мавзу бўйича тестлар, мунозарали саволлар ва топшириқлар тайёрлаш. Талабага мустақил иш сифатида муайян мавзу бўйича тестлар, қийинчилик даражаси ҳар хил бўлган масалалар ва топшириқлар, мунозарага асос бўладиган саволлар тузиш вазифаси топширилади. Бунда профессор-ўқитувчи томонидан талабага тестга қўйиладиган талаблар ва уни тузиш конун-қоидалари, қандай мақсад кўзда тутилаётганлиги, муаммоли саволлар тузишда мавзунинг мунозарали жихатларини қандай ажратиш лозимлиги, топшириқларни тузиш усуллари бўйича йўл-йўриқ берилади.

Талабалар илмий-назарий конференциялари. Кафедра профессор-ўқитувчилари талабалар илмий-назарий конференциясини

ташқил этиш орқали талабаларнинг долзарб мавзулар доирасида қандай қилиб илмий ўрганишларни амалга ошириш, муаммоларни аниқлаш ва уларга ечимлар таклиф қилиш кўникмаларини шакллантиришлари мумкин. Шунингдек, илмий тадқиқот ишларини олиб бориш методларини ўрганиб боришлари, бирор илмий лойиҳаларга жалб қилиниш имкониятлари ва талабаларнинг илмий потенциалининг бойиб боришига ижобий таъсир кўрсатиши мумкин.

Илмий мақолалар, тезислар ва маърузалар тайёрлаш. Талабага бирон-бир мавзу бўйича (мавзунини талабанинг ўзи ҳам танлаши мумкин) илмий мақола, тезис ёки маъруза тайёрлаш топширилиши мумкин. Бунда талаба ўқув адабиётлари, илмий тадқиқот ишлари, диссертациялар, мақола ва монографиялар ҳамда бошқа ахборот манбаларидан мавзуга тегишли бўлган материаллар тўплайди ва булар асосида илмий мақола ҳамда маъруза тезисларини тайёрлайди.

Битирув малакавий иши тайёрлаш. Битирув малакавий иши-олий ўқув юртларидаги узлуксиз таълимнинг бакалаврият йўналишида талабаларни ўқитишнинг якуний босқичидир. Битирув малакавий ишида талабанинг олий ўқув юртида ўқиш давомида тўплаган барча назарий ва амалий билимлари юзага чиқади, талабанинг назарий билимлар билан қуролланиш даражаси, унинг олган билимлари ва кўникмаларини илмий-ишлаб чиқариш вазифаларини ечишга қай даражада қўллаш олиши намоён бўлади.

Жаҳонда кечаётган кадрлар тайёрлашнинг асосий тенденцияларига эътибор қаратсак, рақобатбардошлик кадрлар тайёрлашга қўйилаётган энг асосий талаб бўлаётганлигини кўриш мумкин. Ҳозирги замон мутахассисининг шиддатли рақобат дунёсида ўз ўрнига эга бўлиши нафақат унинг ўзлаштирган билим даражасига, балки ўз устида мунтазам ишлаш кўникмаларига, мустақил қарор қабул қилиш салоҳиятига ҳам боғлиқ. Шу боис, ҳам узок муддат ҳукмронлик қилиб келган “таълим – бир умрга” ғояси ўз аҳамия-

DENOV TADBIRKORLIK  
VA PEDAGOGIKA  
INSTITUTI ARM  
№ 30197

тини йўқотиб “таълим – бутун умр давомида” ғояси кадрлар тайёрлашнинг муҳим тамойилига айланиб бормоқда. Айни мана шу заруриятдан келиб чиқиб, мамлакатимиз олий таълим тизимида мустақил фикрловчи кадрлар тайёрлашга асосий эътибор қаратилмоқда.

Талабалар мустақил таълимни ташкил этиш ва назорат қилиш бўйича илғор хорижий тажриба ҳам ўрганилди. Ўрганишлардан маълум бўлишича, Иктисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотига аъзо мамлакатларда ОТМ талабаларининг ўқиш фаолияти кунлик ва ҳафталик вақт меъёрлари бўйича меҳнат қонунчилигига мувофиқ белгиланган. Талабалар беш кунлик иш ҳафтасида 40 соатгача ўқишлари мумкин. Бу кунлик дарс юкласи 8 соатдан ошмаслиги зарурлигини аңлатади. Ўқув юкласи ҳам, ўз навбатида, аудитория соатлари ва аудиториядан ташқари мустақил ишларга ажратилган соатлардан иборат.

Одатда, аудитория ва аудиториядан ташқари дарс соатлари бакалавр таълим дастурида 1:2, магистратурада эса 1:3 нисбатни ташкил этади. Бу бир аудитория соати икки ёки уч соатлик аудиториядан ташқари мустақил ишлар билан қўллаб-қувватланиш зарурлигини аңлатади. Демак, бир ўқув курсига ажратилган кредит миқдори 10 га тенг бўлса, аудитория соатларининг ўзи ўртача 3 ёки 4 кредитни ташкил этади. Қолган 6 ёки 7 кредит аудиториядан ташқари мустақил ишларга ажратилади. Талаба бир ҳафта давомида ўртача 10-15 соат аудитория дарсларида, 25-30 соат аудиториядан ташқари мустақил ишлар билан банд бўлади.

АҚШ ва Ғарбий Европа мамлакатларидаги университетларда талабаларнинг мустақил ишларига узлуксиз таълимнинг муҳим таркибий элементи сифатида қаралмоқда. “Умр давомида таълим” тамойилининг амалиётга кенг жорий қилиниши университетлардаги аудитория соатларининг қисқариши ҳамда талабаларнинг аудиториядан ташқари ўқув юкламаларининг ортишига олиб келди. Бу бир томондан, профессор-ўқитувчилар фаолиятини

“ўқитиш”дан кўра кўпроқ “ўргатиш”га томон йўналтирса, иккинчи томондан эса талабаларнинг касбий ўзини ўзи такомиллаштиришга бўлган масъулиятининг ортишига туртки берди. Илк бор АҚШ ва Буюк Британия университетлари бошлаб берган мазкур тажриба ҳозирга келиб дунёнинг бошқа иктисодий ривожланган мамлакатлари ОТМлари томонидан идеал намуна сифатида ўзлаштирилмоқда.

Умуман, ОТМларда талабалар мустақил ишини ташкил этиш ҳамда назорат қилиш борасидаги илғор хорижий тажрибада қуйидаги ижобий жиҳатлар яққол ажралиб туради:

– аудитория соатларига нисбатан аудиториядан ташқари мустақил ишларга кўпроқ вақт ажратилади. Бу одатда бутун ўқув юкласининг ўртача 65-70 фонзини ташкил этади. Таълим жараёнида “ўқитиш”дан кўра “ўргатиш” тамойили кўпроқ устуворликка эга;

– бир семестрда талабалар бештадан кўп бўлмаган ўқув курсларини ўзлаштирадилар. Бу эса ҳар бир фан доирасида аудиториядан ташқари мустақил ишларга кўпроқ вақт ажратишга имкон беради;

– мустақил ишларни ташкил этишда “иерархик тарзда соддадан мураккабликка томон” тамойилига амал қилинади. Бошланғич курсларда талабалар асосан дарсликлар ва ўқув қўлланмалар билан ишласа, юқори босқичларда эса тадқиқотчилик фаолиятига жалб этилади;

– аудиториядан ташқарида бажариладиган мустақил ишлар катъий назорат механизмлари орқали назорат қилиб борилади. Мустақил ишлар семинар дарсларида муҳокама қилинади, оралик назоратлар ҳамда якуний имтиҳонларда ҳам мустақил ўқиш учун тавсия этилган адабиётлардан саволлар қўйилади. Бундай адабиётлар одатда 2-3 тадан кўп бўлмайди. Мустақил ишлар натижаси умумий баҳода акс эттирилади;

– мустақил ишларни назорат қилишда академик ҳалоллик тамойилига катъий риоя қилинади. Ишлар одатда антиплагиат дастур-

лари орқали текширувдан ўтказилади. Ўзлаштирилган ва кўчирилган ишлар қатъий интизомий чоралар билан қарши олинади. Мустақил ишларда ижодийлик, мустақил ҳамда танқидий-таҳлилий фикрга эга бўлиш асосий мезон сифатида қабул қилинади;

– талабаларнинг мустақил ишлашлари учун зарур шароитларни яратишга катта эътибор қаратилади. Университет кутубхоналари бунинг учун узлуксиз иш режимида фаолият олиб боради. Аксарият кутубхоналар заруратдан келиб чиқиб, озрок дам олишга имкон берувчи шароитларга эга. Кутубхоналарда юқори профессионал ходимлар фаолият олиб боради ва зарур ҳолатларда улар талабалар учун мустақил ишларни бажаришларида академик консультацияларни амалга оширади;

– бепул ва пулли тьюторлик хизматлари талабалар учун мустақил ишларни бажаришларида зарур академик ёрдам кўрсатади. Эссе, тезис, реферат, курс иши, мақола, амалий лойиҳа, диплом лойиҳаси каби академик ишларни ёзиш коидалари, керакли адабиётларни излаб топиш, илмий тадқиқот методологияси, иктибослардан фойдаланиш каби масалаларда тьюторларнинг маслаҳатлари муҳим аҳамият касб этади.

### **1.3. Олий таълимда талабалар мустақил таълимни оммавий очик онлайн курслар асосида ташкил этишнинг зарурияти ва аҳамияти**

Юқори малакали замонавий таълим ва инновация технологиялари, илғор хорижий тажрибани кенг тарғиб этган ҳолда олий ўқув юртларининг педагог кадрларини қайта тайёрлаш шунингдек, малакасини ошириш бўйича малака талаблари, ўқув режалари, намунавий дастур ҳамда педагогик услубларни тубдан янгилашга оид чора-тадбирлар ўз ифодасини топди.

Бу ўз навбатида, олий ўқув юртларида талабаларга сабоқ бераётган педагог ходимларнинг замон билан ҳамнафас бўлишларига, ўқув жараёнига фанлар бўйича инновациялар, шунингдек, илғор услубларни кенг жорий этишга зарур шарт-шароит яратади, шу билан бирга, касб маҳорати, педагогик ва илмий фаолиятни мустақил ривожлантириб боришини талаб этади.

Шу ўринда барча соҳаларга ахборот коммуникация технологиялари жадал кириб келаётганини қайд этиш жоиз. Таълим жараёни ниҳоятда мураккаб ва кўп компонентидир. Таълим самарадорлиги педагог ва талабанинг фаоллигига, таълим воситаларининг мавжудлигига, таълим жараёнининг ташкилий, илмий-методик мукамаллигига, жамиятда илмли кишиларга бўлган эҳтиёжга ва бошқа ҳали аниқланмаган кўпгина омилларга боғлиқ. Жамият ўзининг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий эҳтиёжлари асосида таълим самарадорлиги юқори бўлишини талаб этади<sup>6</sup>.

Олий таълимнинг бугунги кундаги асосий мақсади замонавий, ҳар томонлама етук кадрларни тайёрлаш ҳисобланади. Таълимни ислоҳ қилишдан асосий кўзланган мақсад ўз фикрига эга бўлган, қўйилган ҳар қандай муаммога ечим топа оладиган замонавий ва тез ўзгарувчан дунёга мослашувчи кадрларни етказиб бериш ҳисобланади.

Бунда мустақил маълумот топиш, ўз фикрига эга бўлиш каби жиҳатларга катта эътибор қаратилади. Таълим оловчиларнинг мустақил ишлаш кўникмаларини шакллантиришда мустақил таълимнинг ўрни каттадир. Ҳозирда Ўзбекистон таълим тизимига кредит-модуль тушунчаси кириб келган. Барча олий таълим юртларида босқичма - босқич кредит-модуль тизимига ўтиш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Бу тизимнинг асосий жиҳати таълим мустақил равишда олинишидир. Кредит-модуль тизимининг бу жиҳати мустақил таълим

<sup>6</sup> Петькова Ю. Р. Пестория развития дистанционного образования: положительные и отрицательные стороны МООС//Успехи соврем. естествознания. 2015. № 3. С. 199-204.

соатларини ошишига олиб келади. Бу эса ўз навбатида, мустақил таълимни ташкил этишга бошқача қарашларни тақозо қилади. Таълим олувчи мустақил ишни бажаришда сифатга эътибор бериши ва ўқитувчи мустақил иш мавзуларини долзарб, замонавий мавзулар танланишига эътибор қаратиш керак.

Педагогикада талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этишга ХХ асрнинг 20-30-йиллари охирида эътибор қаратилиб, уларнинг когнитив фаоллигини тавсифловчи муҳим аломатлар аниқланган. 1930 йилларда назарий тадқиқотлар мустақил ишларни бажариш усулларини аниқлашга ва бу тушунчанинг моҳиятини илмий тушунишга қаратилган. 1940 йилларга келиб, мустақил ишнинг усуллари ва хусусиятларини аниқлашга қаратилган. Ўқитувчилар ўқувчиларнинг турли билим объектлари билан ишлашлари ва турли хил билим манбаларидан фойдаланишларидаги фикрлаш операцияларини ҳисобга оладиган мустақил иш тизимини ишлаб чиқишга ҳаракат қилишди<sup>7</sup>.

Ҳозирги кунда ҳам бу муаммо ўзининг актуаллигини йўқотмаган. Ҳар бир таълим берувчи мустақил таълимни ташкил қилиш ни тури усулларини қўллайди. Лекин шунинг ҳисобга олиш керакки, мустақил ишларни ташкил қилишда турли факторлар мавжуд ва улар билан ҳисоблашиш шарт. Мустақил ишлар таълим олувчининг бир ёки бир нечта малака ва кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган бўлиши мумкин. Таълим муассасаларида талабаларнинг мустақил таълим олишига алоҳида эътибор қаратилиши, таълим олувчиларда мустақил ва ижодий фикрни ривожлантириш масаласи таълимнинг долзарб вазифаларидан биридир.

Талабаларнинг мустақил таълими уларнинг ўз билимларини кенгайтириш, чуқурлаштириш, мавжуд малака ва кўникмаларни такомиллаштириш ҳамда уларнинг янгиларини ўзлаштиришга бўлган интилишидир.

Мустақил таълим маълум билим, кўникма ва малакалар ҳамда тажрибалар захираси асосида амалга ошади. Ўқув фанларини чуқур ва пухта ўзлаштириш, таълим ва инновацион ёндашувлар асосида ахборотларни мустақил излаб топиш, уни атрофлича таҳлил эта олиш, илмий-ижодий тафаккурни бойитиш, ўқув-билув жараёнидаги савол жавоб ва баҳс-мунозараларда фаол қатнашиш, ўз фикр-мулоҳазасини асосли далиллар билан баён этиш ҳамда уни ҳимоя эта олиш қобилияти ҳар бир бўлажак мутахассис олдида турган долзарб вазифа ҳисобланади.

Мустақил таълимнинг асосий мақсади талабанинг мустақил фикрлашга ўргатиш. Мустақил таълим талабанинг асосан дарсдан сўнги фаолиятини таъминлашга қаратилган бўлади. Бунда ҳар бир талаба ўзига берилган вазифани мустақил, ижодий ёндашган ҳолда бажаради.

Хорижий ОТМларда асосий урғу талабанинг мустақил таълим олишига қаратилган, бу эса ўз навбатида, таълим олувчининг ўз соҳаси бўйича қўшимча билим ва кўникмаларни эгаллашига туртки бўлади. Мустақил ишни таълим олувчига берганда уни қизиқишлари ва фанни ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олиш керак. Бериладиган мустақил иш мавзулари бир хил бўлиб қолмаслиги, иложи борича замонавий мавзулар танланишига эътибор бериш лозим. Мустақил иш мавзуларини иложи борича ўтилаётган фан мавзулари ичидан ташқаридаги мавзу бўйича беришга эътибор қаратиш керак. Шунда, талаба фақат битта мавзу доирасида чекланиб қолмай, бошқа қўшимча билимларга ҳам эга бўлади.

Бугунги кунда ТМТни самарали ташкил қилишни замонавий техника ва технологияларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Айниқса, интернетнинг ривожланиши мустақил ишларни ташкил қилишга янгича ёндашув ва қарашларни келтириб чиқарди. Бугунги кунда мустақил ишларни бажаришда интернетнинг турли хизматларидан фойдаланиш имконияти мавжуд.

<sup>7</sup> Ҳикматов Н. Мустақил таълимни самарадорлигини оширишда МООСлардан фойдаланиш. Science and innovation. International Scientific Journal, Volume 1, Issue 8, 2022, 3-5 бетлар.

Ривожланган мамлакатларда ТМТни ташкил қилишда ОООК (МООС)лардан фойдаланиш, мустақил таълимнинг самарадорлигини оширишда катта аҳамиятга эга бўлиб бормоқда. ОООКлар онлайн мустақил таълимнинг жадал ривожланаётган элементи бўлиб, таълим хизматлари истеъмолчилари орасида катта талабга эга. Умуман онлайн таълим каби курслар давлат томонидан қўллаб-қувватланади ва йирик компаниялар ҳамда етакчи университетлар томонидан молиялаштирилади.

Бугунги таълим ислохотлари даврида барча соҳаларда бўлгани каби Ўзбекистон Республикаси таълим тизимида ҳам сўнгги йилларда илғор таълим технологияларини қўллаган ҳолда ўқув жараёнларининг ташкил этилаётганлиги кувонарли ҳол, албатта. Шунингдек, таълим жараёнларида очик таълим платформаларида мавжуд муайян электрон ўқув курслари таълим секторидаги рақамли таълим технологияларининг ривожланиш йўлида бораётганлиги билан ажралиб туради. Шунини алоҳида айтиш лозимки, очик таълим платформаларида яратилган масофавий таълим курсларини ишлаб чиқилишидан тортиб, уни ўқув машғулотда жорий этилунига қадар бўлган давр мобайнида онлайн курсларни яратувчи шахс ўқув курс яратилишининг методологияси ва ўқитиш методикаси асосида очик онлайн курс ишлаб чиқиши муҳим масала ҳисобланади.

Шунингдек, онлайн курсларни яратилишида алоҳида аҳамият касб этадиган муҳим бир нарса бу педагогик дизайн ҳисобланади. Айнан педагогик дизайн асосида яратилаётган онлайн курслар бугунги кунда ўқув курс яратувчи шахснинг педагогик ёндашув маҳоратига боғлиқдир.

Педагогик дизайн тўғрисида сўз юритилганда, аввало, яратилаётган онлайн курснинг юқори сифатли ва тизимли ривожлантиришдаги асосий вазифаси билим олувчига ўқув курсдан фойдаланиши даврида ўқув ахборот маълумотларни тўлиқ шаклда етказилишини таъминлаш тушунилади. Бу шунчаки муҳим

бўлмаган бир факт сифатида баҳоланиб, энг муҳим вазифа тақдим этилган ўқув курсдаги билимларни ўқув семинар машғулотларида қўллашни назарда тутати. Бу борада америкалик тадқиқотчи Роберто Миллс Гагненинг 8 та тамойилига асосланади:

1. Дикқатни тортиш.
2. Ўқитишнинг мақсад ва вазифасини тушунтириш.
3. Янги ўқув материални тақдим этиш.
4. Таълим жараёнида билимни мустаҳкамлаш.
5. Амалиёт.
6. Қайта алоқа.
7. Баҳолаш.
8. Амалий жараёнга татбиқ этиш.

Ўқув курсдан кутилган натижалар ўз навбатида:

- талаба томонидан курс ўқув материалларининг ўзлаштирилганлик даражасига таянган ҳолда яратилган ўқув курс умумий баҳоланади;
- техник томондан маъруза ва курс учун сараланган ўқув ахборот маълумот ҳамда адабиётлар юкланганлиги билан боғлиқ сошлаш жараёнлари педагогик дизайннинг ушбу босқичида баён қилинади;
- ўқув курс методисти, мутахассис ва малакали педагог ўқитувчилар жамоасидан таркиб топган гуруҳ томонидан тақдим қилинган ўқув курсни баҳолаш мезонлари асосида қайта кўриб чиқилиши талаб этилади;
- ўқув курснинг янгиланган сўнгги версиясини яратиш орқали барча амалий ишлар якунланади.

Шунини таъкидлаш жоизки, мустақил таълим жараёнида таълим олувчидан мустақил ишлаш кўникма ва малакаларини шакллантириш керак. Бунда ОООКларнинг ўрни беқиёсдир. Таълим олувчи ОООК асосида ўрганиш жараёнида қўплаб интернет хизматлари ва ресурсларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлади, бу эса ўз навбатида, унинг ахборот билан ишлаш ва керакли маълумотларни топа олиш қобилиятини шакллантиради.

ОООКларнинг яна бир хусусияти уларнинг кичик модуллардан тузилишидир. Таълим олувчи бу модулларни кетма-кет ўрганиши мумкин. Бу эса мавзунини янада тушунарли бўлишига олиб келади. Ҳар бир ОООКлар охирида бериладиган топшириқлар мавзунини қанчалик ўзлаштирганлик даражасини билиш имкониятини беради. Таълим берувчи шунга қараб, мавзу бўйича қўшимча топшириқлар бериши ёки мавзунини қайта тушунтириб бериши мумкин. Бу эса ўз навбатида вақтни тежалишига олиб келади.

ОООКлар асосида фойдаланиш иқтисодий томондан ҳам фойда келтиради. Масалан, талаба курсни ўз уйидан турган ҳолда ҳам ўзлаштириши мумкин. Бунда, унинг йўлга кетадиган сарф-харажатлари тежалани, таълим муассасаси эса аудитория учун сарф-харажатларни камайитириши имкониятига эга бўлади.

Шуни таъкидлаш жоиз, оммавий очик онлайн курслар асосида фойдаланиш мустақил таълимнинг кизиқарли бўлиши ва унинг самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Таълим олувчилар фақат ўзларига керакли курсларни ўзлаштириш имкониятига эга бўладилар. Баъзан, таълим олувчилар учун бир нечта оммавий очик онлайн курсларини солиштириш вазифасини ҳам мустақил таълим кўринишида вазифа қилиб бериш мумкин.

Бунда, таълим олувчи оммавий очик онлайн курслар асосида курсларини ўзаро солиштиради ва ўзига мос келганини ўзлаштиради. Бу ўз навбатида, уларни ўзлари учун керак бўлган кўникма ва малакаларни эгаллашга ёрдам беради. Шуни таъкидлаш мумкин, пандемия шароитида онлайн курслар оммалашди, инсоният карантин чекловлари даврида онлайн ўқиш, ишлаш режимига мослашди.

Таълим олувчиларда таълимни масофадан туриб олишга кизиқиш бир неча баробар ортди. Бу эса ўз навбатида, ОООКларга бўлган эҳтиёжни ортишига олиб келди. Айниқса, ОООК ишлаб таълим олувчилар учун анча қулайликлар яратиб берди. Улар ўз малака ва кўникмаларини ишдан ажралмаган ҳолда ошириш имкониятига эга бўлишди.

Мустақил таълимни ташкил қилишда оммавий очик онлайн курслар асосида фойдаланиш бу давр талаби десак адашмаймиз. Таълим олувчиларни мустақил ишлашга ўргатмоқчи бўлсак, ОООКлар асосида фойдаланиш услубиятини ишлаб чиқишимиз ва мустақил таълимни ташкил қилишда фойдаланишимиз керак.

Мустақил таълим жараёнида ОООКлардан фойдаланиш бу замонавий технологияларга асосланган, таълимнинг янги кўриниши бўлиб, мустақил таълимни самарадорлигини оширишга хизмат қилувчи воситалар йиғиндисидан иборат. Шунини айтиш мумкинки, таълимга инновацион ёндашув, янги чарашлар, янги технологияларни қўллаб таълим беришни тақозо қилмоқда.

Ўзбекистон шароитида ОООКлардан фойдаланиш давр талаби ҳисобланади. ОООКлар ёрдамида мустақил таълим ва дарсларни ташкил қилиш бу анъанавий ҳамда масофавий таълимни ташкил қилишнинг муҳим шартларидан бири десак, адашмаймиз.

Мустақил таълим жараёнида оммавий очик онлайн курслардан фойдаланиш методикасини ишлаб чиқиш таълим олувчиларнинг мустақил ишларни бажаришга бўлган кизиқишларини ортишига олиб келади ҳамда таълим олувчиларнинг мустақил ишлаш кўникмалари ривожланади.

Тавсиялар:

- тақдим этилаётган онлайн курснинг ҳар бир бўлими муайян бирон натижага эришишини таъминлаши;
- муайян ҳафтага бўлинган ўқув курс модули натижаларини баҳолайдиган алоҳида параметрга эга бўлиши, шунинг қаторида ҳафта мобайнида ўқув модулнинг баҳолаш категорияси мавжуд бўлмаса, аке ҳолда ўқув курс модули натижалари кейинги мавзу доирасига йўналтирилган баҳолаш категорияларида намоён бўлиши.
- ҳар бир онлайн курсда мавжуд модулда талабалар ўртасида ўзаро таъсир кучини таъминлайдиган компонентдан ташкил топиши мақсадга мувофиқдир.

## II БОБ. ОЛИЙ ТАЪЛИМДА ТАЛАБАЛАР МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМИНИ ОММАВИЙ ОЧИҚ ОНЛАЙН КУРСЛАР АСОСИДА ТАШКИЛ ЭТИШ УСУЛЛАРИ

### 2.1. Ўзбекистон олий таълимида талабалар мустақил таълимини ташкил қилиш усулларининг жорий ҳолат таҳлили

Юқори малакали мутахассислар тайёрлаш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади. Талабаларга юқори даражадаги билимни ўқув аудиториясидаги машғулотлар тўлиқ бера олмайди. Буни амалга оширишда мустақил ўқув фаолияти тўлдирувчи ривожлантирувчи вазифасини бажаради.

Мустақил таълим - олинган билим, кўникма ва малакаларни мустаҳкамлаш, кўшимча маълумот ёки материални мустақил ўрганиш мақсадидаги ўқув шакли. Мустақил фаолият муайян фандан ўқув дастурида белгиланган ҳамда талаба томонидан ўзлаштирилиши лозим бўлган билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришни амалга оширишга хизмат қилади, ўқитувчи маслаҳати ҳамда тавсиялари асосида аудитория ёки аудиториядан ташқарида бажарилади. Фаннинг хусусиятидан келиб чиқиб, мустақил, иш турлари бўйича топшириқлар ишлаб чиқилади.

Мустақил таълим аниқ бир фандан ўқув режасида ва фан дастурида белгиланган билим, кўникма ва малаканинг маълум бир қисмини талаба томонидан профессор-ўқитувчи маслаҳати, шунингдек, тавсиялари асосида аудитория ҳамда аудиториядан ташқарида ўзлаштирилишига йўналтирилган кўникма фаолиятдир.

Мустақил таълимнинг вазифалари куйидагилардан иборат:

- янги билимларни мустақил тарзда пухта ўзлаштириш кўникмаларига эга бўлиши;

- керакли маълумотларни излаб топишнинг қулай усуллари ва воситаларини аниқлаши;

- ахборот манбалари ва манзилларидан самарали фойдаланиши;
- анъанавий ўқув ва илмий адабиётлар, меъёрий ҳужжатлар билан ишлаши;
- электрон ўқув адабиётлар ва маълумотлар банки билан ишлаши;
- интернет тармоғидан мақсадли фойдаланиши;
- берилган топшириқ ва вазифаларнинг рационал ечимини топиши;
- маълумотлар базасини таҳлил этиши;
- топшириқ ва вазифаларни бажаришда тизимли ва ижодий ёндашиши;
- ишлаб чиқилган ечим, лойиҳа ёки ғояни асослаш ва мутахассислар жамоасида ҳимоя қилиш.

Бугунги кунда республикамиз ОТМлари фаолиятида ТМТнинг куйидаги анъанавий турлари ва шаклларида фойдаланилмоқда:

Талабанинг мустақил таълими (ТМТ). Талабанинг бевосита ўзи томонидан мобил қурилмаси орқали амалга ошириладиган мустақил таълим турларига куйидагиларни киритиш мумкин:

дарсга тайёрланиш – маъруза матнлари, водкастлар, видео материаллар, амалий машғулотлар ва лаборатория ишлари баёнларини ўрганиш;

ахборот излаш – ўз кизиқишларидан келиб чиқиб, тақдим қилинган дайжест орқали интернет материалларини ўрганиш;

кўп сўраладиган саволлар (FAQ) – ўзини кизиқтирган муаммоларга ўргатувчи дастурлар воситасида жавоб излаш;

Forum – фан мавзулари бўйича телеграм каналлари ёки масофавий таълим платформаларида фикр алмашиш;

тест ечиш – ўргатувчи тест дастурларида машқ қилиш орқали фан модулига оид материалларни мустаҳкамлаш;

назорат ишига тайёрланиш – фан бўйича қутилаётган оралик ва якуний назоратларга тайёргарлик кўриш.

Ўқитувчи раҳбарлигидаги талабанинг мустақил таълими (ЎРТМТ). ЎРТМТ юкламаси ўқитувчининг юкламасига тўлалигича кирмайди, бироқ контакт машғулотлар учун ўқитувчига алоҳида юклама белгиланади (ҳисоб-чизма иши, курс иши, курс лойиҳаси, битирув иши, магистрлик диссертацияси, илмий изланувчига раҳбарлик, таянч докторантга раҳбарлик ва х.к.).

ЎРТМТнинг анъанавий усуллари (шакллари) қуйидагиларни ўз ичига олади:

- масала ечиш – амалий машғулот мавзуси бўйича берилган масалаларни ечиш ва уни ёзма тарзда тақдим қилиш;
- реферат – муаммонинг ёзма баёни, бунда адабий манбалар шарҳланади ёки илмий иш, китоблар таҳлилий баён қилинади;
- коллоквиум – ўқув модулининг назарий қисмининг ўзлаштирилишини текшириш мақсадида суҳбат уюштириш;
- эссе – долзарб мавзу бўйича шахсий фикрини танқид, публицистик ва бошқа жанрларда ёзма баён қилиш;
- тақдимот – берилган мавзу бўйича слайд ва видео материаллар воситасида чиқиш қилиш;
- кейс-стади – ишлаб чиқаришдаги муаммоли вазиятлар бўйича белгиланган шаклдаги топшириқлар бўйича ечим излаш;
- иш ўйинлари – касбий фаолият жараёнларини имитация қилиш, сахналаштириш, ролларни ижро қилиш орқали касбий кўникмалар орттириш;
- гlossарий – берилган мавзу бўйича атамаларни қисқа изоҳлаш;
- гуруҳ лойиҳаси – 3-5 талабанинг ҳамкорликда лойиҳа ишини бажариши;
- ҳисоб-чизма ишлари – одатда, техник фанлар (муҳандислик графикаси, электротехника, ахборот технологиялари ва х.к.) бўйича амалга ошириладиган белгиланган услубий қўлланмалар асосида ёзиладиган график ва ҳисоб ишлари;
- курс иши – фан ёки фанлар мажмуаси (корхоналар иқтисодиёти, менежмент асослари, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси,

фуқаро химояси ва х.к.) муаммолари бўйича белгиланган услубий қўлланмалар асосида бажариладиган белгиланган услубий қўлланмалар асосида ёзиладиган ёзма ва ҳисоб ишлари;

курс лойиҳаси – фан ёки фанлар мажмуаси (техник механика, технологик жараён ва қурилмалар, мутахассисликка оид лойиҳа ишлари бажариладиган фанлар) муаммолари бўйича белгиланган услубий қўлланмалар асосида бажариладиган график чизмалар илова қилинадиган белгиланган услубий қўлланмалар асосида ёзиладиган ҳисоб ишлари;

диплом лойиҳаси – мутахассислик фанига оид берилган мавзу бўйича ишлаб чиқариш корхонасини ёки унинг бўлинмасини лойиҳалашга қаратилган, график чизмалар ва ҳисоб ишлари билан баён қилинадиган белгиланган услубий қўлланмалар асосида ёзиладиган лойиҳавий иш;

амалиёт ҳисоботи – ўтказилган малакавий амалиёт (танишув, ишлаб чиқариш, битирув олди амалиётлари) бўйича белгиланган услубий қўлланмалар асосида ёзиладиган ҳисобот;

фан тўғаракларида иштирок этиш – талабанинг фан тўғаракларида макет, слайд, намуналар каби кўргазмали материалларни тайёрлаши;

танловларда иштирок этиш – талабанинг ўқитувчининг илмий раҳбарлиги остида турли танловларда иштирок этиши (“Ёш ихтирочи”, талабалар стартап лойиҳалари ва х.к.);

фан олимпиадаларида қатнашиш – фанлар бўйича ОТМлар ўртасида ўтказиладиган олимпиадаларда иштирок этиш (кимё, умумий кимёвий технология, физика, ахборот технологиялари ва х.к.);

илмий анжуманларда маъруза қилиш – фанга оид илмий тадқиқот мавзуси бўйича ОТМ, Республика ва халқаро микёсларда ўтказиладиган илмий-техникавий анжуманларда маъруза қилиш;

илмий тезис ва мақолалар чоп этиш – илмий анжуманларнинг тўпламларида тезислар ва илмий журналларда илмий тадқиқот мавзуси бўйича мақолалар чоп этиш;

ўқув-услубий материалларни тайёрлашда иштирок этиш – дарслик, ўқув қўлланма, услубий қўлланма, услубий кўрсатма ва бошқа ўқув-услубий адабиётларни тайёрлашда иштирок этиш.

Талабанинг мустақил таълимни масофавий (онлайн) усулда ташкил қилиш (Блум таксономияси асосида). Мазкур усул билим олиш иштиёқида ўқиётган талабалар учун энг мақбул вариант ҳисобланади. Бу усулда талабага турли дастур ва иловаларда ишлашни таклиф қилиш орқали уларда замонавий кўникмаларни шакллантириш ва буни ҳатто аудиториядаги машғулотлардан ҳам юксак даражада ташкил қилиш мумкин.

Ҳозирги кунда таълим тизимида тил ўрганиш ва иқтисодий билим соҳаларида қўлланилаётган кўплаб интерфаол ўқитиш усуллари оммалашган. Уларнинг кўпчилигидан техника соҳасидаги билимларни ўқитишда ҳам самарали фойдаланиш мумкин.

Мустақил ишларни масофавий тизимда ташкил қилиш учун, энг аввало, таълим натижаларини Блум таксономияси орқали белгилаб олиш зарур ва билим ҳамда кўникмаларни шакллантириш учун “Блум феъллари” орқали андроид тизимидаги таълим иловасини танлаш мумкин.

Булар билиш категориясидаги (Notepad+, Mental Note, Word, Google, Excel, PowerPoint, Polaris Office ва бошқалар), тушуниш категориясидаги (Twitter, Google Docs, Google Photos, YouTube Capture, eBook Magic ва бошқалар), амалда қўллаш категориясидаги (Ann’s Flash Cards, ScrapPad, Intereview assistant, Keynote, OneNote, Inspiration maps, Picture Collage ва бошқалар), таҳлил қилиш категориясидаги (Easy Chart, Data Analysis, Quick Graph, myHomework, Simple Note, Priority Matrix, Course Notes ва бошқалар), синтез қилиш категориясидаги (Audio Boom, Video Shop, Flipbook, Do Ink, Explain Everything, Drawing Pad, Creative Book, Padlet, Story Creator ва бошқалар) ҳамда баҳолаш категориясидаги (Skype, YouTube, WhatsApp, Facebook, Brainstorm,


FB Messenger, Google+, Moodle Mobile ва бошқалар) андроид иловалар ҳисобланади (2.1-расм).



2.1-расм. Алдан Каррингтоннинг педагогик ғилдирағи.

Лойиха иши доирасида Олий таълимда талабалар мустақил таълим жараёнининг ташкил қилинганлик ҳолати юзасидан сўровнома ўтказилганда (3-илова), аксарият талабалар ОООК таълимий платформалардан фойдаланмасликлари ёки хабарлари йўқликларини кайд қилишган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновация вазирлиги ҳузуридаги олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ҳамда илғор технологияларни татбиқ этиш маркази томонидан ўтказилган сўровнома натижалари ҳам фикримизни тасдиқлайди (2.1.1-расм).



2.1.1-расм. Респондентларнинг сўровнома саволи бўйича жавоблари.

Расм маълумотларидан кўриниб турибдики, респондентларнинг 49,8 фоизи “Тақдимот слайдларини яратиш”, 26,9 фоизи “Реферат тайёрлаш”, 5,8 фоизи “Амалий лойиҳа устида ишлаш” деб жавоб берган бўлса, 4,9 фоизи “Ижодий ишланмалар (кросс-вордлар, буклетлар, схемалар)”, 2,9 фоизи “Медиа материаллари тайёрлаш”, 2,3 фоизи “Муаммоли вазиятларга ечим топиш (кейс-лар, казуслар)”, 1,9 фоизи “Хорижий адабиётлар билан танишиш”, 1,6 фоизи “Тезислар ёзиш”, 1,4 фоизи “Эмпирик тадқиқотлар (куза-тиш, сўров, эксперимент) ўтказиш”, 2,9 фоизи “бошқа” деб жавоб берган.

“Сиз мустақил таълимни асосан қандай шаклда ташкил қилинишини маъқуллайсиз?” деган саволга талабаларнинг 30,9 фоизи “кичик гуруҳларда бажариладиган амалий лойиҳалар”, 28,8 фоизи “кичик тадқиқотлар тақдими”, 14,3 фоизи “тест саволлари ва рефератлар”, 11,8 фоизи “ижодий ишланмалар (буклетлар, деворий газеталар)”, 8,4 фоизи “конференция”, 4,7 фоизи “адабиётлар каталоги ва қисқача маълумотнома”, 3,2 фоиз талаба ҳар хил жавобларни берган (2.1.2-расм)<sup>8</sup>.

<sup>8</sup> Маматкулов С. Мустақил таълим: тадқиқот, хорижий тажриба ва тавсиялар [Матн]: методик қўлланма / - Тошкент: “Sano-Standar” 2023. - 5 б.

## Сиз мустақил таълимни асосан қандай шаклда ташкил қилинишини маъқуллайсиз?



2.1.2-расм. Респондентларнинг сўровнома саволи бўйича жавоблари.

Шундан келиб чиққан ҳолда, талабалар мустақил таълим жараёнини ташкил қилишда ОТМлар томонидан қуйидаги хусусиятларга алоҳида эътибор қаратиш зарурдир:

- талабани таълимий платформалардан хабардор қилиш;
- талабанинг билим фаолиятини траекториялаш;
- талабалар ўз-ўзини бошқариш механизминини шакллантириш;
- касбий билим ва кўникмаларини такомиллаштириш;
- мутахассиснинг касбий маҳоратинини ривожлантириш;
- мустақил фикрлаш ва қарор қабул қилиш компетенцияларини шакллантириш.

Шунингдек, ОТМларда ТМТни ривожлантириш унинг ҳар бир бўғинини қамраб олувчи чора-тадбирлар тизимини, яъни талабаларнинг ижодий билиш фаолияти, мустақил таълимнинг фаол шакли ва усулларидан фойдаланиш ҳамда мутахассис шахсининг касбий сифатларини такомиллаштиришдан иборатдир (2.1.3-расм).



2.1.3-расм. Мустақил таълимни ташкил этиш босқичлари.

Талабаларда мустақил ишлаш методик компонентликни шакллантиришнинг мақсади, касбий ва шахсий ривожланиш жараёнида талабанинг ўз-ўзини англаш, баҳолаш ҳамда бошқариш каби таркибий қисмларни ривожлантириш, шунингдек, турли таълим муассасаларида ишлашга тайёрлаш саналсада, умумкасбий ва ихтисослик фанлари асосларини ўрганиш куйидагилардан иборат бўлиши лозим:

- аниқ педагогик ва ишлаб чиқаришдаги муаммоли вазиятларда масалани ажратиб олиш, уларни ҳал қилиш усули сифатида педагогик ҳамда техник-технологик тафаккурни ривожлантириш;
- бўлажак ўқитувчининг педагогик-шахсий фаолияти асоси сифатида педагогик, умумкасбий ва ихтисосликка оид билимларни ўзлаштиришга нисбатан ижобий муносабатда бўлишга эришиш;
- муҳим касбий-педагогик сифатларни ривожлантириш, касбий ва шахсий ўз-ўзини ривожлантириш эҳтиёжини юзага келтириш ҳисобланади.

Талабаларда мустақил таълимни самарали ташкил этишда тизимли ёндашиш, барча босқичларни мувофиқлаштириш ва узвийлаштириш, ташкил этиш ҳамда назорат қилиш механизмларини такомиллаштириб бориш зарур.

Хусусан, мустақил таълим жараёнида ўрганилган мавзуларнинг қайта-қайта ўрганилиши талабаларда мустақил таълимга креатив ёндашув ва ижодкорлик билан ёндашиш кўникмаларининг сусайишига олиб келиши мумкин. Шундай экан мустақил таълим мавзуларини танлашда қайта ўрганилишни олдини олиш ва мавзулар янгилигига эътибор қаратиш;

мустақил изланишлар ёрдамида инновацион ва технологик ғоялар яратган талабаларни қўллаб-қувватлаш, улар томонидан яратилган ғояларни ишлаб чиқаришга жорий этиш ва уларнинг меҳнатини рағбатлантириш;

мустақил таълим жараёнида талабаларнинг ташкилотчилик қобилиятларини ривожлантиришда хориж тажрибасидан фойдаланиш имкониятларини йўлга қўйиш.

## 2.2. Олий таълимда талабалар мустақил таълимни ташкил қилиш усулларининг хорижий тажрибаси

Маълумки, Европа Ҳамжамияти Комиссияси (ЕҲК) томонидан 2000 йил март ойида Лиссабон (Португалия) стратегияси сифатида ратификация қилинган умрбод таълим (*Lifelong Learning*) тўғрисидаги меморандумнинг олий таълим сиёсатида “бир умрлик ўрганиш таълимнинг нафақат билим ва ўрганиш жиҳатини, балки ҳар кимга таълим олиш ва малака ошириш имкониятларини кафолатлаш тамойилини ҳамда турли хил таълим олиш шаклларини таклиф қилиш жиҳатларини ҳам яратиши кераклиги” белгилаб қўйилган<sup>9</sup>.

Дунё мамлакатларининг таълим ташкилотлари томонидан олиб борилаётган ўқитиш, ўргатиш ва баҳолаш жараёнлари талаба ёшларнинг умрбод таълим олиш ғояси учун ўз мустақиллигини таъминлаш, баркамол шахс сифатида шаклланиш ва малакаларини

<sup>9</sup> Commission of the European Communities. A Memorandum on Lifelong Learning. Brussels, 30.10.2000 SEK (2000) 1832, p.3.

оширишда асосий омил ҳисобланади. Бу эса ўз навбатида, талабаларнинг ўз таълим конструкторлари сифатида шаклланишлари ва намоён бўлишлари учун йўналтирилган Болония жараёни парадигмаси билан узвий боғланган.

Мазкур ғоя асосида бугунги кунда ривожланган ва ривожланётган мамлакатлар олий таълимида амалга оширилаётган кенг қамровли янгиланишлар, ўзгаришлар ҳамда ислохотлар замирида талаба ёшларнинг ўз устида мустақил ишлашлари, яъни мустақил таълим олишларини қандай қилиб самарали ташкил этиш ва уни янада ривожлантириш бўйича замонавий усул ва воситалардан фойдаланиш тажрибаларини таҳлил қилиб чиқишга ҳаракат қиламиз.

Ривожланган мамлакатлар олий таълим тизимида талабалар мустақил таълимини ташкил қилиш ва ривожлантириш бўйича илғор хорижий тажрибалар ўрганилганда, Иктисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (OECD)га аъзо бўлган давлатларда олий таълим муассасалари (кейинги ўринларда ОТМ) талабаларининг ўқиш фаолияти (кунлик ва ҳафталик вақт меъёрлари) халқаро меҳнат қонунчилигига мувофиқ белгиланган.

Хусусан, талабалар беш кунлик иш ҳафтасида 40 соатгача ўқишлари мумкин. Бу бир кунлик ўқув юкламасининг 8 соатдан ошмаслик зарурлигини билдиради. Ўқув юкламаси, ўз навбатида, аудитория соатлари ва аудиториядан ташқари соатлар, яъни мустақил таълимга ажратилган соатлардан иборат бўлади.

Одатда, аудитория ва аудиториядан ташқари дарс соатлари бакалавр таълим дастурида 1:2, магистратура дастурида эса 1:3 нисбатларни ташкил қилади. Бу дегани бир аудитория соати икки ёки уч соатлик аудиториядан ташқари мустақил таълим билан банд бўлиш зарурлигини англатади.

Демак, агар бир ўқув курси (фан/модуль)га ажратилган кредит миқдори 10 га тенг бўлса, аудитория соатларининг ўзи 3 ёки 4 кредитни, аудиториядан ташқари соатлар (мустақил таълим) 6 ёки 7 кредитни ташкил қилишини билдиради. Шундай экан талаба бир

ҳафта давомида ўртача 10-15 соат аудитория дарсларида, 25-30 соат аудиториядан ташқари мустақил ишлар билан банд бўлади.

Ривожланган давлатлар (АҚШ, Европа, Осиё) ОТМлари фаолиятида “умр давомида таълим олиш” тамойилининг амалиётга кенг жорий қилиниши олийгоҳлардаги (университетлар, институтлар) аудитория соатларининг қисқариши ҳамда талабаларнинг аудиториядан ташқари ўқув юкламаларини ортишига олиб келди. Ушбу ҳолат бир томондан, профессор-ўқитувчилар фаолиятини “ўқитиш” тамойилидан кўра кўпроқ “ўргатиш” тамойили томон йўналтирган бўлса, иккинчи томондан, эса талабаларнинг касбий ўзини ўзи такомиллаштиришга бўлган масъулиятини оширишга замин яратди. Илк бор АҚШ ва Буюк Британия ОТМлари бошлаб берган мазкур тажриба ҳозирги кунга келиб, дунёнинг кўплаб ОТМлари томонидан намуна сифатида фойдаланиб келинмоқда.

АҚШ ва Европа ОТМларида талабалар аудиториядан ташқари мустақил таълим олишда катта вақт захирасига эга бўлганликлари боис, ундан унумли фойдаланишга ҳаракат қиладилар. Хусусан, мустақил таълим олиш жараёнида улар асосий эътиборни семинар ҳамда амалий машғулотларга тайёргарлик кўриш, қўшимча адабиётлар билан ишлаш, оммавий очик онлайн курсларда қатнашиш, кичик амалий тадқиқотлар олиб бориш, ҳисоботлар тайёрлаш ва бошқа тадқиқотчилик ишлари билан машғул бўладилар.

Талабаларнинг мустақил таълими шаклида ОООҚда қатнашиш<sup>10</sup> ва илмий тадқиқот фаолияти муҳим ўрин эгаллайди. Улар бугунги кунда дунёнинг етакчи ОТМлари профессор-ўқитувчилари томонидан тайёрланган, кенг оммалашган ва юқори самара берадиган Coursera, edX, Udacity, FutureLearn, NovoED, Iversity, Canvas, Open2Study, Open Learning, UdeMy Faculty Project каби онлайн курслардан (1 ва 2-иловалар) ҳамда турли ўқув лабораторияларида касбий малака оширишга, яъни олимлик методикалари

<sup>10</sup> American university self-study. Prepared for the Middle States Commission on Higher Education and the AU Community. January 2014. pp. 19, 207 and 246.

ва усулларидадан фойдаланган ҳолда профессор-ўқитувчилар раҳбарлигида жиддий лойиҳаларни амалга оширишга жалб этилган.

АҚШ ОТМларида талабалардан ўқишнинг дастлабки даврларидан бошлаб семестр давомидаги аудитория ва аудиториядан ташқари ўқиш фаолиятини талаба шахсий траекторияси орқали катъий режалаштириш ҳамда вақтни тўғри тақсимлаш талаб этилади.

Аксарият ОТМларда аудитория ва мустақил таълимнинг тахминий нисбати 1:2 ни ташкил қилади. Мисол учун, ҳафталик ўқув фаолияти 40 соат бўлса, шундан 12-15 соати аудитория машғулоти (маъруза ва семинарлар) ташкил қилади.

Талабалар беш кунлик ўқиш ҳафтасида кунига иккитадан ортик аудитория машғулоти қатнашмайдилар. Одатда, бир семестрда 5 тагача фанлар ўтилади, шундан 3 таси мажбурий фанлар, 2 таси танлов фанларини ташкил қилади. Умумий курсларда аудитория соатларининг кичикрок ҳажми талабалар учун мустақил таълим билан жиддийрок шуғулланиш имкониятини яратади.

Талабалар факультетлар профессор-ўқитувчилари томонидан олиб борилаётган илмий тадқиқот ишларида фаол иштирок этадилар, ушбу фаолият дипломда университетнинг илмий фаолиятида қатнашиш соатлари сифатида акс этади. Талабаларнинг тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантириш семинар/амалий машғулоти тайёргарлик кўриш жараёнида ҳам содир бўлади. Бу эса ўз навбатида, энг янги илмий тадқиқотларга оид маълумотлардан фойдаланган ҳолда амалга ошириладиган кўп соатлик ижодий ишларни талаб этади.

Шунингдек, АҚШ ва Буюк Британия университетларида (Гарвард, Оксфорд) талабаларнинг мустақил таълим олишлари мураккаблик даражасига кўра курсдан-курсга томон ўсиб боради. Масалан, биринчи курсда талабалар асосан ўқув адабиётлари билан ишлашади. Ҳар бир фан дастури (силлабус)да 1 та асосий ва

2-3 та кўшимча адабиётлар тавсия этилади. Талабаларнинг мустақил таълим ишлари асосан мана шу тавсия этилган адабиётларни ўрганиш ва уларни шарҳлаш, маъруза матнлари тайёрлаш, лугат тузиш ёки 1-2 саҳифали эссе ёзишга йўналтирилган.

Иккинчи курсда талабалар замонавий илмий тадқиқотлар билан танишишга жалб қилинади. Турли хил даврий нашрларда эълон қилинган илмий мақолаларни ўқиб чиқиш, ундаги асосий тезисларни ажратиб олиш, исботлаш усулларини аниқлаш, бошқа тадқиқот ишлари билан қиёслаш каби вазифаларни бажаришади. Бажарилган мустақил ишлар семинар дарсларида муҳокама қилинади.

Учинчи курсда талабалар тадқиқот ишларига ёки кичик гуруҳларда бажарилувчи амалий лойиҳаларга жалб этилади. Одатда, бу ишлар илмий мақола ёзиш, лаборатория тадқиқотлари, шу жумладан, виртуал лаборатория тадқиқотлари ёки лойиҳа иши тақдимотлари кўринишида амалга оширилади. Ҳар ҳафтада бир ёки икки марта профессор ўқитувчилар билан келишилган учрашув жадвалларига мувофиқ мустақил таълим натижалари бўйича маслаҳатлар олиб борилади.

Юқори курсда талабалар кўпроқ индивидуал тарзда тадқиқот ва лойиҳа ишларини амалга оширадилар. Бу курсда бажариладиган асосий мустақил таълим диплом ёки лойиҳа ишларини тайёрлаш ҳисобланади. Диплом ёки лойиҳа ишларининг муваффақиятли бажарилишида талабанинг шу вақтгача орттирган мустақил ишлаш тажрибаси муҳим аҳамият касб этади.

Дунёнинг кўплаб университетлари талабаларнинг билим олиш тажрибасини ошириш учун ООКлардан самарали фойдаланган ҳолда мустақил таълимни ташкил этишнинг турли усулларида кенг фойдаланишади. Улардан энг кўп оммавийлашган усулларни кўриб чиқамиз.

The Flipped Classroom Model (тесқари синф модели): мустақил таълимни ташкил этишнинг энг машҳур усулларида бири, бу тесқари синф моделидир. Ушбу моделда талабалар олдиндан ўқув

материаллари билан таъминланадилар ва дарсга тайёр ҳолда келишлари кутилади. Кейин дарс вақтида ўрганилган материалларни мунозара қилиш, муаммоларни ҳал этиш ва дарсдан ташқари ўрганилган билимларни намоён қилиш учун йўналтирилади. Ушбу усул Қўшма Штатлардаги кўплаб университетларда муваффақиятли жорий этилган ва талабаларнинг ўрганиш тажрибасини оширишда самарали эканлиги исботланган.

Муаммоли таълим методи: сўнгги йилларда машҳур бўлган яна бир усул муаммоли таълим усулидир. Ушбу усул талабаларга ҳақиқий муаммолар ва кийинчиликларни тақдим этишни ҳамда уларнинг билим ва кўникмаларига асосланган ҳолда уларни ҳал қилишни сўрашни ўз ичига олади. Бундай ёндашув талабаларнинг танкидий фикрлаш ва муаммони ечиш қобилиятини, шунингдек, тенгдошлари билан ҳамкорликда жамоа бўлиб ишлаш қобилиятларини ривожлантиради. Мазкур усулдан Австралия, Канада ва Нидерландия университетлари кенг фойдаланди.

Ўзлаштиришга асосланган таълим ёндашуви: ўзлаштиришга асосланган таълим ёндашуви усули ҳам сўнгги йилларда машҳур бўлиб бормоқда. Бундай ёндашувда талабаларнинг ўзлаштириш суръатлари бўйича ривожланишига рухсат берилади ва кейинги мавзуга ўтишдан олдин фақат материални ўзлаштирилганини кўрсатиш талаб қилинади. Ушбу ёндашув кўпинча онлайн ўқув шароитларида (муҳитларида) қўлланилади ва талабаларнинг ўрганиш тажрибасини оширишда муваффақиятли бўлди. Ушбу усул АҚШ ва Европа университетлари томонидан қабул қилинган.

Тажрибали ўрганиш усули: тажрибали ўрганиш усули ўқувчиларга реал вазиятларда амалий тажриба беришни ўз ичига олади. Ушбу ёндашув талабаларга амалий кўникмаларни ривожлантиришга ва назарий билимларни реал муаммоларга қўллашга ёрдам беради. Мазкур усул Канада ва АҚШ университетлари томонидан қабул қилинган ва талабаларнинг ўрганиш тажрибасини оширишда муваффақият қозонган.

Лойихага асосланган таълим ёндашуви: лойихага асосланган таълим ёндашуви талабалардан ўз билим ва кўникмаларини ҳақиқий муаммоларни ҳал этиш учун қўллашни талаб қиладиган узоқ муддатли лойиҳалар устида ишлашни ўз ичига олади. Бундай ёндашув талабаларнинг ижодкорлигини, танкидий фикрлаш ва муаммоларни ҳал этиш қобилиятларини ривожлантиради. Бу усул АҚШ, Австралия ва Европа университетлари томонидан кенг қўлланилган ҳамда талабаларнинг ўрганиш тажрибасини оширишда муваффақият қозонган.

АҚШ ва Британия ОТМларида талабаларнинг мустақил таълим олишларига ажратилган вақт қатъий назорат механизмларини ҳам тақозо этади. Мустақил таълим вазибалари (топшириклар) бажарилишининг белгиланган вақтдан бир кунга кечикиши мустақил таълим учун ажратилган баҳолаш балидан 0,5 балл йўқотилишига олиб келади. Мустақил таълим баҳоси балл сифатида умумий йиғилган балларда ўз ифодасини топади ва бу одатда якуний баҳонинг 10-15 фоизини ташкил этади. Якуний имтиҳонларда талабаларга тавсия этилган қўшимча адабиётлардан ҳам саволлар ёки тестларнинг киритилиши мустақил ишларни назорат қилишда муҳим ўрин тутади.

Ривожланган давлатлар ОТМларида мустақил ишларни бажаришда плагиатга қўл уриш ёки бошқаларга ишни бажартириш қатъий тақиқланган. Бундай ишларни содир этган талабалар ўқишдан четлаштирилишигача бўлган чоралар билан жазоланади. Академик ҳалоллик тамойили барча нуфузли ОТМларнинг "Ахлоқ кодекси"дан жой олган ва бу қондани бузган ҳар қандай профессор-ўқитувчилар ёки талабалар университетнинг ахлоқий масалалар билан шуғулланувчи махсус комиссияси томонидан интизомий жавобгарликка тортилади.

Аксарият университетлар бундай хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш учун қатор инновацион чораларни ишлаб чиққанлар. Масалан, АҚШдаги Жоржтаун ва Хитой Халқ Республикасидаги

Гонконг университетлари тажрибасида талабалар мустақил ишни топшириш вақтида академик ҳалоллик қоидаларига амал қилганлик тўғрисида декларация имзолайдилар.

Бунда талаба плагиатга қўл уриш қандай чоралар билан жазоланиши мумкинлигидан огоҳлантирилади ва бу ҳақда хабардор этилганлигини шахсий имзоси билан тасдиқлайди. Қарши чоралар орасида огоҳлантириш ва махсус ахлокий курсларни мажбуран тинглашдан тортиб талабалар сафидан чиқарилишгача бўлган жазолар ўрин олган.

Мазкур олий таълим муассасаларида плагиат масалалари билан шуғулланувчи махсус комиссия мавжуд. Талабанинг ишида плагиат аниқланса, ўқитувчи бу ҳақда тегишли комиссияга хабар бериши шарт ва комиссия бу ишни кўриб чиқади. Баъзи ҳолларда талаба плагиат учун ўқишдан четлатилиши мумкин, агар у кичик ёки эҳтиётсизликдан қўл урилган плагиат бўлса, у ҳолда талаба илмий ишнинг ахлокий асослари ва стандартларини ўргатадиган махсус курсга юборилиши мумкин.

АҚШ ва Ғарбий Европанинг аксарият университетларида профессор-ўқитувчилар ўзлари ҳамда университетнинг нуфузига доғ тушмаслиги учун талабаларнинг мустақил ишларини текширишда плагиатни аниқловчи [www.turnitin.com](http://www.turnitin.com) веб-сайтидан фойдаланадилар. Ҳар бир талаба профессор-ўқитувчининг талаби билан мазкур сайт орқали рўйхатдан ўтади ва бажарган мустақил ишларини антиплагиат текширувидан ўтказилади.

Талабаларнинг мустақил ишларини самарали ташкил этиш ва назорат қилишда ОТМлари ахборот-ресурс марказларининг ўрни нихоятда муҳим. Чунки талабалар аудиториядан ташқари мустақил ишларини бажаришида зарур адабиётларга эҳтиёж сезади. Шу боисдан ҳам АҚШ ва Британиядаги кўплаб университетлар ўз кутубхоналарини муттасил замонавийлаштириб, унинг функцияларини кенгайтириб бормоқда. Бу мамлакатлардаги аксарият

университетларда кутубхоналар узлуксиз 7/24 режимда фаолият юритади.

АҚШ ва Британиядаги университет кутубхоналарида қатъий тартиб-интизомга риоя қилинади. Талабаларнинг интенсив ўқишлари учун махсус “сукунат ҳудудлари” тақдим этилади, бу ерда ўзаро гаплашиш мумкин эмас. Масалан, Британиядаги Манчестер университети кутубхонасида ҳатто қисқа муддатга ухлаб олиш учун кичик хоналар ҳам мавжуд. Гуруҳ лойиҳалари учун алоҳида хоналар, доска ва проекторли офислар ҳам ташкил этилган.

Китоблар ва илмий журналлар университет ўқиш давомида ёрдам сифатида таклиф қиладиган ягона нарса эмас. Талабалар бу ерда электрон оммавий ахборот воситалари тўпламларига, дарсликларнинг онлайн нусхаларига, бир нечта электрон кутубхоналарга, маълумотлар базаларига бепул обуна бўлишлари мумкин. Агар талаб қилинаётган нашр университетда топилмаса, уни бошқа университет кутубхонасидан буюртма қилиш мумкин.

Кутубхона ходимлари керакли манбаларни топишда ёки иқтибослар ва манбалар рўйхатини умумий қабул қилинган стандартлардан бирига мувофиқ тўғри тартибга солишга ҳам кўмак беради. Улардаги хатолар туфайли талабалар мустақил ишларида балл йўқотиши мумкин. Бунинг олдини олиш учун кутубхоналарда йилига бир неча марта махсус семинарлар ўтказилади. Консултацияда талабага электрон каталог ва маълумотлар базаларидан фойдаланиш ўргатилади.

АҚШ ва Европа олий таълимида талабалар мустақил ишини қўллаб-қувватловчи ва бу борада талабаларга амалий кўмак берувчи бошқа институционал тизимлар ҳам мавжуд. Масалан, тўбторлик хизмати академик ёрдам хизматларини таклиф қилувчи муҳим тузилмадир. Асосан, бу хизмат тури АҚШ ва Британиядаги университет ва коллежларда юқори даражада тараккий этган. Бу давлатлардаги университетлар талабаларга бепул ва пулли академик ёрдам кўрсатувчи хизматларни тақдим этадилар. Масалан,

университетларда тоъторлар академик мураббийлар сифатида талабаларга вақтни самарали бошқариш, мустақил ишларни амалга ошириш, зарур ўқув ва илмий манбаларни кидириб топиш, имтиҳонларга тайёргарлик кўриш, умуман, ўқув курсларини муваффақиятли ўзлаштиришларида зарур йўл-йўриқ ҳамда маслаҳатларни бериб боради.

Хулоса қилиб айтганда, талабалар мустақил ишини ташкил этиш ҳамда назорат қилиш борасидаги илғор хорижий тажрибалардан қуйидаги ижобий жиҳатларни яққол ажратиш мумкин:

аудитория соатларига нисбатан аудиториядан ташқари мустақил ишларга кўпроқ вақт ажратилади. Бу одатда бутун ўқув юкламасининг ўртача 65-70 фоизини ташкил этади. Таълим жараёнида “ўқитиш”дан кўра “ўргатиш” тамойили кўпроқ устуворликка эга;

бир семестрда талабалар 5 тадан кўп бўлмаган ўқув курсларини ўзлаштирадilar. Бу эса ҳар бир фан доирасида аудиториядан ташқари мустақил ишларга кўпроқ вақт ажратишга имкон беради;

мустақил таълимни ташкил этишда “иерархик тарзда соддадан мураккабликка томон” тамойилига амал қилинади. Бошланғич курсларда талабалар асосан дарсликлар ва ўқув қўлланмалар билан ишласа, юқори босқичларда эса тадқиқотчилик фаолиятига жалб этилади;

талабалар мустақил таълимини ташкил этишда оммавий очик онлайн курслардан самарали фойдаланиш усулларига алоҳида эътибор қаратилган ҳамда ОТМ сиёсати ва қоидалари ишлаб чиқилган;

аудиториядан ташқарида бажариладиган мустақил таълимга қатъий назорат механизмлари белгиланган. Мустақил ишлар семинар дарсларида муҳокама қилинади, оралик назоратлар ва якуний имтиҳонларда мустақил таълим топшириқлари учун тавсия этилган адабиётлардан саволлар қўйилади;

мустақил ишларни назорат қилишда академик ҳалоллик тамойилига қатъий риоя қилинади. Ишлар одатда антиплагиат

дастурлари орқали текширувдан ўтказилади. Ўзлаштирилган ва кўчирилган ишлар қатъий интизомий чоралар кўрилади;

талабаларнинг мустақил таълим олишлари учун зарур шарт-шароитлар яратилишига катта эътибор қаратилган. Университет кутубхоналари 7/24 режимида ишлайди. Кутубхоналарда юқори профессионал ходимлар фаолият олиб боради ва зарур ҳолатларда улар талабалар учун мустақил ишларни бажаришларида академик консультацияларни амалга оширади.

### 2.3. Ўзбекистон олий таълимида талабалар мустақил таълимини ташкил қилишда оммавий очик онлайн курслардан фойдаланиш имкониятлари

Бугунги кунда фан-техника ва технологиялар тараққиёти натижасида шаклланаётган ва кенг жамоатчилик эътирофига сазовор бўлаётган оммавий очик онлайн курслар<sup>11</sup> (кейинги ўринларда ОООК) таълим бериш концепциясида инқилобий бурилишларни ясамоқда. Уларнинг бепул, фойдаланиш учун қулай ва мослашувчан эканлиги талабаларнинг мустақил таълим олиш шакл ва усулларида жуда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон ОТМлари фаолиятида талабаларнинг мустақил таълим олиш усуллари ҳамда шаклларини таҳлил қиладиган бўлсак, унда асосан анъанавий усул ва шакллар устуворлик қилади. Талабалар имтиҳонларни топшириш учунгина маъруза машғулотларида қатнашишлари, эслатма олишлари ва дарсликларни ўрганишлари лозим. Талабаларнинг мустақил таълим олишларига жиддий эътибор берилмаётганлиги, ўз билимлари учун масъулиятни олиш тизими рағбатлантирилмаётганлиги уларда танқидий фикрлаш қобилиятларининг, илмий-ижодий интилишларининг ва доимий ўзгарувчан меҳнат бозорига мослаша олиш кўникмаларининг ривожланмаслигига олиб келмоқда.

<sup>11</sup> Massive Open Online Courses – MOOC деб юритилади.

Маҳаллий ОТМлар фаолиятида талабалар мустақил таълимини ташкил қилишда ОООКлардан кенг фойдаланишни йўлга қўйиш мустақил таълим олиш тизимини рағбатлантиришнинг янги босқичини бошлаб беради. Уларга интернет орқали инсталланган жойдан ва воситадан/қурилмадан кириш мумкин. Бундан ташқари, ОООКлар турли мавзулар бўйича бир қатор курсларни тақдим этади, бу эса талабаларга ўз кизиқишларини излаш ва янги таълим соҳаларини ўрганиш имконини беради. ОООКлари шунингдек, талабаларни ўз таълим соҳалари учун масъулиятни ўз зиммаларига олишга ундайдиган интерфаол ва кизикарли ўқув тажрибаларни ҳам тақдим этади. Бир сўз билан айтганда, ОООК мустақил таълимни ўзгартириш ва ривожлантириш салоҳиятига эгадир.

Ўзбекистон ОТМларининг мустақил таълимида ОООКни татбиқ этишда бир қатор муаммоларни ҳал этиш лозим бўлади:

Биринчидан, талабалар ва профессор-ўқитувчилар орасида ОООК ҳақида кенг ахборот бериш ва хабардорлик тизимини йўлга қўйиш лозим;

Иккинчидан, мустақил таълимда ОООКлардан самарали фойдаланишни қўллаб-қувватлаш учун зарур инфратузилма ва моддий техника ресурсларни тақдим этиш механизмини ишлаб чиқиш лозим;

Учинчидан, профессор-ўқитувчиларни ривожлантириш дастурлари ҳамда ОООКлардан фойдаланишни қўллаб-қувватлаш учун ОТМ сиёсати ва қоидаларини ишлаб чиқиш керак.

Олий таълимнинг талабалар мустақил таълимида ОООКдан фойдаланиш бўйича хорижий тажрибаларга эътибор қаратадиган бўлсак, улар бу жараёнларни 2011 йилдан бошлаб муваффақиятли жорий этиб келишмоқда. Мисол учун, Америка Қўшма Штатлари, Буюк Британия ва Австралия мустақил таълимни кучайтириш учун ўз ўқув дастурларига ОООКни киритганлар. Бунда уларга профессор-ўқитувчиларни ривожлантириш дастурлари, ва талабалар фао-


лиятини қўллаб-қувватловчи зарур моддий-техник инфратузилмалар ҳамда ОООКдан самарали фойдаланиш бўйича ишлаб чиқилган ОТМ сиёсати ва қоидалари катта ёрдам берди.

Юқоридаги муаммоларни ҳал этиш орқали Ўзбекистон олий таълим муассасаларида талабаларнинг мустақил таълимини замонавий талаблар асосида ташкил қилиш, фойдаланиш ва ривожлантириш мумкин.

Юқорида қайд қилинганлардан келиб чиққан ҳолда ОООКлардан олий таълимнинг мустақил таълим платформасида фойдаланиш имкониятларини кўриб чиқамиз.

Сўнгги йилларда электрон таълим (ЭТ) ривожланишнинг энг истиқболли йўналишларидан бири, бу ОООК шаклланиши бўлди. Уларнинг асосида оммавий ва ҳамма учун керак бўлган таълим ғояси ётибди.


ОООК жаҳоннинг етакчи университетлари томонидан ер шарининг инсталланган нуқтасида бўлган ҳар қандай инсонга масофавий технологиялар ёрдамида аниқ белгиланган оралиқ ва якуний назорат топшириқларини топшириш муддатлари ҳамда ўқитувчилар ва юз минглаб талабалар (курс тингловчилари) орасида эркин мулоқотни ташкил қилиш имкониятини берувчи академик курсларни тақдим этишга асосланган (2.3.1-расм).



2.3.1-расм. ОООКнинг глобаллашув тавсифи.

ОООКнинг шаклланиш тарихига назар солсак, ушбу атама 2008 йилда АҚШда пайдо бўлган. Унинг ҳозирги таълим йўналишига 2011 йилда Стенфорд шаҳрида яратилган Coursera асос солди ва дастлаб АҚШнинг учта йирик университетларининг очик ресурсларини бирлаштирди, 2012 йилда Time журнали фикрига кўра, энг яхши таълим платформаси бўлди.

Coursera асосчилари Эндрю Нг ва Дафна Коллер ўз лойиҳасини “чекловларсиз билим олиш” оммавий очик онлайн ўқитиш фоясида шакллантириб, барча хоҳловчиларга жаҳоннинг етакчи университетлар маърузаларини тинглаш имкониятини берди (2.3.2-расм).



2.3.2-расм. Coursera расмий сайтинг умумий кўриниши.

Факатгина биринчи ярим йилда лойиҳада иштирок этиш учун 1 млн.га яқин тингловчилар аъзо бўлишди, 2015 йил мартда Courserада деярли 12 млн. фойдаланувчилар (15 марта 2015 й. – 11 937 678 одам) рўйхатдан ўтиб, Courserанинг 116 ҳамкори тақдим этган 984 курсада ўқишди<sup>12</sup>.

<sup>12</sup> Lewin T. Instruction for masses knocks down campus walls. Published: 4 March, 2012. URL: <https://www.nytimes.com/2012/03/05/education/moocs-large-courses-open-to-all-topple-campus-walls.html>



2.3.3-расм. Coursera расмий сайтидаги курслар.


2013 йилдаёк ОООК аксарият ривожланган мамлакатларнинг олий таълими учун тизимли синов бўлди. ОООКга бўлган қизиқиш тобора отиб борди. Шубҳасиз, бу ерда етакчи бўлиб 15 та ОООК-майдончалари (Coursera, EdX, Udacity ва бош.) ва миллионлаб тингловчиларига эга бўлган давлат АҚШ саналди. Ўзининг ОООК-майдончаларини Германия (Iversity), Испания (Crypt4you), Буюк Британияда эса 12 та олийгоҳдан иборат Futurelearn, Европа Иттифокида Open up Ed (11 та университет) иттифоқлар яратилди<sup>13</sup>.



2.3.4-расм. Udacity расмий сайтининг умумий кўриниши.

<sup>13</sup> Мишнев Б.Ф., Филь Н.П., Скворцов А.А. Опыт внедрения и перспективы развития дистанционного обучения в ТSI // Международный электронный журнал "Образовательные технологии и общество (Educational Technology & Society) 2013. Том 16. №4. С. 475-492.

ОООК прототипининг бир кўриниши сифатида Массачусет технологик институтида яратилган OCW (OpenCourseWare-<http://ocw.mit.edu>) интернет-сервисини айтиш мумкин. У 2002 йилдан турли ўқув курсларининг материалларини очик фойдаланишга қўйган.



2.3.5-расм. OpenCourseWare расмий сайтининг умумий кўриниши.

МООС атамаси инглиз тилида биринчи бор 2008 йилда Д.Комьер томонидан ҳамкасблари С.Даунс ва Д.Сименслар билан биргаликда яратган «Коннективизм таълим назарияси сифатида» (Connectivism and Connective Knowledge – CCK08) онлайн-курси муҳокамасида қўлланилган.

Моҳияти жиҳатидан бу биринчи ОООК бўлган. Ушбу лойиҳа курси бир вақтнинг ўзида минглаб талабаларни ўқитиш имконини берган [20]. Тушуниш қийин бўлган коннективизм назариясига бағишланган курсларига 2300 талаба рўйхатдан ўтган, бу муаллифлар кутганидан 10 баробар кўп бўлиб, CCK08 ни биринчи оммавий очик онлайн курси дейиш мумкин.

ОООКларнинг ривожланишидаги кейинги муҳим ходиса бу 2011 йилда С.Трун ва П.Норвиглар томонидан тақдим этилган Стэнфорд университетининг «Введение в искусственный интеллект» (Сунъий интеллектга кириш) онлайн-курсидир. Ушбу курсга

190 та давлатдан 160000 талаба рўйхатдан ўтган, 23000 талаба электрон сертификатларни олиб курсларни тамомлаган [25].

Ушбу тажриба Udacity лойиҳасига старт берди, унинг доирасида бугунги кунда интернет-индустриясининг гигантлари Google, AT&T, Facebook ва бошқалар элликдан ортиқ курсларни таклиф этаяптилар. Уларнинг таркиби дастурий таъминот ва у билан боғлиқ масалалар билан шуғулланувчи талаба ҳамда мутахассислардан иборат.

2012 йилдан бошлаб, ушбу кўринишдаги оммавий очик онлайн таълимни амалга оширувчи интернет-платформаларининг ривожланишида сифатли ўзгаришлар рўй берди, бу кўп сонли оммавий ахборот воситаларида (газета, журнал, телевидения, илмий ва бошқа интернет нашрлари) аке этди [11].

Бугунги кунда ОООКни ишлаб чиқувчи ва қўллаб-қувватловчи тижорат ҳамда нотижорат ташкилотлари мавжуд бўлиб, уларни яратиш бўйича олиб бориладиган ишлар етакчи жаҳон олийгоҳлари ва таълим муассасалари ўртасидаги халқаро ҳамкорлик алоқалари доирасида олиб борилади. Жумладан, Coursera 200 дан ортиқ университет ва ташкилотларни тавсия қилади ҳамда 12 та таълим соҳаси, 227 та билим соҳаси, 51 тилда 3400 дан ортиқ курсларни таклиф этади (21.03.2023 йил ҳолати бўйича).

Лондон университети, Эдинбург университети, Мичиган штати университети, ИОМ ИТУ (ВШЭ НИУ) ва бошқалар иқтисод, юриспруденция, математика, педагогика ҳамда бошқа йўналишлар бўйича курслар тақдим этадилар.


ОООКнинг кенг тарқалиши масофавий технологиялардан максимал фойдаланган ҳолда янги таълим парадигмасини шаклланишига ва ягона трансмиллий ахборот-таълим муҳитини яратишига олиб келади. Ҳозирда Coursera лойиҳаси ишга тушгандан бошлаб электрон таълимнинг машҳурлиги ниҳоятда ошиб кетди. Шу билан бирга, онлайн-курсларнинг сифати ҳам ошган, узлуксиз

равишда технологиялар такомиллашиб бормоқда, материални ўзлаштириш ва фойдаланиш учун қулай бўлган универсал виртуал мухитни яратишга ёрдам берадиган турли иловалар ва платформалар ишлаб чиқилмоқда.

ОООК лойиҳаларига ишончлилик ва аҳамиятлиликни жаҳоннинг етакчи университетлари бўлган Массачусетс технология институти, Стенфорд, Гарвард ва бошқа университетларнинг иштироки сабаб бўляпти. Аммо ОООК ҳақида фикрларнинг ҳар хиллигига қарамасдан онлайн-курслар оммалашиб бормоқда. ОООКнинг охириги 10 йиллик даврда фаол тарқалиши бир неча минглаб одамлардан иборат аудиторияни тўплаш каби шов-шувли натижалар кўрсатди. Ўзининг бепуллиги туфайли оммавий ва очик бўлган етакчи жаҳон университетларининг курслари бўйича ўқиш ҳақиқатга айланди, бу эса миллионлаб инсонлар учун юкори савияда узлуксиз таълимнинг ривожланишини таъминлади ҳамда катта маблағ бўлмаган тўловлар эвазига имтиҳонларни топшириб ёки якуний топшириқларни бажариб сертификат олишга имкониятлари яратилди:



2.3.6-расм. ОООК тугатганлигини тасдиқловчи сертификат намунаси.



2.3.7-расм. ОООК ўқув жараёнининг кўриниши.

ОООКнинг асосий хусусиятлари таълимнинг узлуксизлиги ва шахсга йўналтирилганлиги, ўрганувчи учун бепул (қисман пулли) ва қулай бўлган шаклларда бўлиши, берилаётган материаллар


замонавий билим, малака ва кўникмаларни олиш ва шакллантиришга рағбатлантирувчи ғояларни кенг тарғиб этиш билан боғлиқ бўлиши керак:

- 1) оммавийлик, яъни курс тингловчилари сони чексиз;
- 2) очиклик, яъни истаган одамга унга қулай жойда ва вақтда билимларни бепул бериш;
- 3) курслар яхлитлиги, яъни курсларда нафақат ўқув материал парчалари, балки амалий машғулотлар, коммуникация, олинган билимларни назорат қилувчи материалларни ўз ичига олади;
- 4) курс муваффақиятли ўзлаштирилганда сертификат олиш имкониятининг мавжудлиги [51-55].

ОООК форматидаги курслар узвий боғланган маърузалар, олинган билимларни назорат қилувчи тестлар ва топшириқлар, ўқитувчи ва талабалар ўртасида махсус интернет-майдончада доимий мулоқотни ҳамда энг яхши талабаларни аниқлаш учун якуний имтиҳон ўтказишни ўз ичига олган интерфаол масофавий ўқув жараёни ўтказиш учун мўлжалланган (2.3.8-расм).

ОООКда тингловчиларнинг ўзаро мулоқотига кўп эътибор берилади, жумладан, форумлар орқали онлайн мулоқот қилиш, маърузаларни биргаликда ўрганиш, кўриб чиқиш, жамоа бўлиб ишлаш ва бошқалар. Очик онлайн-курсларда ўқиш мажбурий бўлиб, ўқув курсининг графигини бажариш учун муддатлар белгиланган, уларни ўз вақтида бажариш тавсия этилади.






2.3.8-расм. ООК ўқув жараёналарининг кўриниши.

Массачусетс технология институти ва Гарвард университети томонидан 2012 йилда яратилган edX платформасида билимнинг турли соҳалари бўйича 3000 дан ортиқ курслар жойлаштирилган, унга 160 дан ортиқ университетлар аъзо, 230 дан ортиқ ҳамкорлар ва 48 миллиондан ортиқ тингловчилари бор бўлган етакчи йирик ООКдан биридир<sup>14</sup>.

Буюк Британияда Очик университет етакчи олийгоҳлар билан биргаликда Futurelearn платформасини яратди, Россияда Lektorium лойиҳаси<sup>15</sup> ишга туширилди, унинг доираси иккита йўналишда фаолият олиб бормоқда: медиатека (очик видеоматризалар) ва ООК. Австралиянинг Очик университетлари Open2Study лойиҳасини йўлга қўйдилар, платформага саккизта категория бўйича тақсимланган 50 та курслар қўйилган.



<sup>14</sup> <https://www.edx.org/about-us>  
<sup>15</sup> <https://www.lektorium.tv/>



2.3.9-расм. edX, Futurelearn, Open2Study ва Lektorium расмий сайтларининг умумий кўриниши.


ООК ривожлантирилишига қарамадан, улар фаолиятига бир қатор омиллар тўсқинлик қилмоқда, жумладан тингловчиларнинг ўқишга бўлган паст мотивацияси, турли мамлакатлар таълим тизимларида курслар фарқлари борлигида (кўпчилик ООКлар инглиз тилида ишлаб чиқилган), уларни олий таълим дастурларига киритиш механизmlарининг такомиллашмаганлиги каби омиллар шулар жумласидандир.

ООК ўқиш натижаларини ҳисобга олиш бўйича ҳаракатлар АҚШда кузатилмоқда. 2013 йилда Америка таълим кенгаши университет мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган ва АҚШ коллежларида ҳисобга олинган тавсия қилинган 5та курс маъқулланган. Курслар якунида реал вақтда видеоконференция режимида аккредитациядан ўтган имтиҳон хизмати ёрдамида онлайн-имтиҳон ўтказилади.

Еврокомиссия ҳам VMPass (Virtual Mobility Pass) лойиҳани<sup>16</sup> виртуал мобиллик ва очик таълим ресурслар (Open Course Ware) бўйича ўқишни онлайн машғулотларни реал машғулотларга тенглаштириш, ООК бўйича аттестация натижаларини расмий ўқиш дастурларига, шунингдек, университет дастурларига [37] киритишни қайта ҳисоблаш имкониятини берувчи ўқиш паспорти [36] ёрдамида тан олишни лозим топди. Лойиҳа онлайн-таълимни

<sup>16</sup> <https://www.vdu.lt/en/research/projects/archive/vmpass/>

анъанавий таълимга тенглаштириш ва уларнинг дипломларини тенг аҳамиятли қилишни таклиф этади.



2.3.10-расм. VMPassнинг moodle платформаси.

ОООКда ижодий топшириқларни текшириш горизонтал сатҳда, яъни курсдошлар томонидан олиб борилади, бу ҳар доим ҳам турли сабабларга кўра объектив бўлавермайди. Билимларни етарли даражада назорат қилинмаслиги сабабли ОООКни олий таълим тизимига татбиқ этишда мунозарали жиҳатлар юзага келмоқда. ОООК тингловчиларига илмий даража олиш зарур бўлган зачёт (credits) бирликларини бериш ҳақидаги мунозаралар (дебатлар) Европа ва АҚШда турли даражада кечмоқда. Бир қатор университетлар томонидан тан олинган курслар мавжуд, аммо кредит бирликларини олиш курс учун барча тўловлар амалга оширилгач, бўлиши таъкидланмоқда.

ОООКни бундай қўллаш ўқитувчидан кўшимча тайёргарликдан талаб қилади ёки мос келувчи курсни ўтиш босқичида ОООК билан ишлаш лозим бўлади.

Ўзбекистон ОТМларида мустақил таълимни ОООКда ташкил этиш бир қатор омиллар билан чекланган. Хусусан, ўзбек тилидаги ОООКларнинг йўқлиги, фан (модуль) мавзулари бўйича курсларнинг нотекис тақсимланганлиги, масалан, техник, иктисодий, табиий-илмий йўналишдаги курслар гуманитар йўналишдаги

курсларга нисбатан кўпроқ; ўқув режалари билан ОООКнинг бошланиш муддати мос келмаслиги ва бошқалар.

Аммо ушбу омиллар яқин келажакда ОООКни мустақил таълим шаклларида қўллаш имкониятларини йўққа чиқармайди, бундай тўсиқлар босқичма-босқич бартараф этилади. Дастлабки босқичда талаба ва ўқитувчиларнинг чет тилини билиш даражасига қараб уларни жорий этиш мумкин. Бунинг учун талаба ва ўқитувчиларнинг тил билиш компетенцияларининг ўсиш даражасига қараб чет тилидаги (ЧТ) тайёр ОООКлардан фойдаланишни икки йўл билан ташкил қилиш мумкин.

Биринчи йўл, бу В2 даражасида чет тилини билладиган талаба ва ўқитувчилар томонидан ОООКларда мустақил таълимни бажаришлари мумкин.

Иккинчи йўл, чет тилини билиш даражаси (компетенцияси) етарли даражада ривожланмаган талабалар учун бўлиб, ўқитувчи маълум бир тайёргарлик ишларини амалга оширган ҳолда чет тилидаги ОООК ЧТ курси доирасида талабаларнинг мустақил ишларини ташкил қилишга қаратилади.

Талабалар тайёргарлиги йўналиши бўйича ОООК танланганда ЧТ ўқитувчиси, биринчи навбатда, кўрсатмаларида “ушбу соҳада махсус билимга эга бўлмаётган туриб, ўзлаштириш мумкин” деб ёзилган курсларга алоҳида эътиборини қаратиши керак.

Яна бир танлашнинг муҳим факторларидан бири, бу ОООКнинг биринчи саҳифасида жойлашган реклама ролики бўйича баҳолаш мумкин бўлган тил билиш мураккаблиги. Ўқитувчи талабаларга тавсия қилишдан аввал ўзи материаллар билан танишиб чиқиши лозим: тайёргарлик ишларини олиб бориб, тил кийинчиликларини енгиш учун мўлжалланган масала ва топшириқларни ишлаб чиқиши керак. Талабалар билан бир вақтнинг ўзида курсни ўтиши мумкин, аммо ўқитувчи кўшимча ишлашига тўғри келади.

Кўпчилик курслар модуль таркибига эга ва ўқув материаллари тармоққа ҳар hafta қўйиб борилади. Бундан келиб чиқадикки, талабалар навбатдаги модулни ўрганиб чиқишларига етарли вақт бўлиши

учун ўқитувчи бир хафталик ишни бир-икки кунда бажариши керак бўлади. Билимларнинг назорати юқорида келтирилган схема бўйича олиб борилади.

“Предмет-тил” интеграциялашган таълим сўнгги пайтларда бирлашган Европада тобора ривожланмоқда ва Евроинттифок фукарларининг мобиллигини таъминлашга йўналтирилган. Мамлакатимизда ўрта мактаб даражасидаги кўплаб интеграциялашган дарслар ишлаб чиқилган, предмет-тил интеграциялашган таълимни олий таълим амалиётига татбиқ этиш бўйича педагогик тажрибалар олиб борилмоқда [47–49]. Таълимга бундай ёндашув кўп мақсадли ҳисобланади: бир томондан, курснинг мақсади чет тилини билиш компетенциясига эга бўлиш бўлса, бошқа томондан махсус билимларни эгаллаш ҳисобланади.

“Предмет-тил” интеграциялашган ОООКни нафақат таълим нуқтаи назаридан, балки аудиторияга муносабати жиҳатидан ҳам кўп мақсадли ҳисобланади. Бунда учта асосий мақсадли гуруҳларни ажратиш мумкин: 1) талабалар, 2) профессор-ўқитувчилар, 3) чет эл аудиторияси.

Талабалар учун бундай курслар чет тили компетенцияларини махсус фанлар бўйича билим олиш билан биргаликда олиб бориш имконини беради. Шунингдек керакки, предмет-тил интеграциялашган курси муайян фан бўйича чет тилида ўқитиш курси эквиваленти эмас. Курснинг мазмунини ташкил қилувчи курс тилини билиш даражасини ҳисобга олиши керак. Бундан ташқари, курсда тилни ўргатишга йўналтирилган топширик ва элементлар бўлиши керак.

Ушбу соҳанинг мутахассиси ҳисобланган ўқитувчиларга курснинг мазмун моҳиятини ўрганиш ҳеч қандай қийинчилик туғдирмайди, лекин академик мобиллик ривожланган даврда зарур бўлган чет тили малака ва кўникмаларни фаоллаштиришга ёрдам беради. Чет эл аудиторияси учун бунинг акси, курснинг чет тилини ўрганиш қисми қийинчилик туғдирмай, фан соҳаси алоҳида кизиқиш уйғотади.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги фан-техника тараккиётининг жадаллашуви, ахборотлар олиш ва узатишнинг тезлашиши, сунъий

интеллектнинг ривожланиши, умр давомида таълим олиш концепциясининг жамият ҳаётидаги ўрни, талаба ёшларнинг замонавий билим, малака ва кўникмаларини ривожлантиришга бўлган талаб ва эҳтиёжлари, иш берувчиларнинг рақобатбардор малакали кадрларга бўлган талаб ва эҳтиёжлари олий таълим муассасалари олдига замонавий билим, малака ҳамда кўникмаларни бериш механизмларини қайта кўриб чиқишни энг устувор вазифа қилиб қўймоқда.

Ушбу механизмлар орасида талаба ёшларнинг олий таълимда мустақил таълим олишнинг шакл-шамойилларини ҳам жиддий қайта кўриб чиқиш ва ривожлантиришни талаб этмоқда. Айниқса, бу ривожланаётган давлатлар қатори Ўзбекистон олий таълимда ҳам асосий вазифалардан бирига айланган.

Мазкур вазифани самарали ҳал этиш усулларидан бири, бу олий таълимда талабалар мустақил таълимни ОООКлар платформалари орқали ташкил қилиш ва ривожлантириш масаласидир. Бугунги кунда ривожланаётган давлатлар олий таълимда талабаларнинг мустақил таълимни самарали ташкил қилишда қўлланилаётган ОООК тажрибаси ушбу масалага яхши ечим бўлиши мумкин.

### III БОБ. ОЛИЙ ТАЪЛИМДА ТАЛАБАЛАР МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМИНИ ОММАВИЙ ОЧИҚ ОНЛАЙН КУРСЛАР АСОСИДА ТАШКИЛ ЭТИШ УСУЛЛАРИНИ САМАРАЛИ ҚЎЛЛАШ МЕХАНИЗМЛАРИ

#### 3.1. Олий таълимда талабалар мустақил таълимни оммавий очиқ онлайн курслар орқали ташкил қилиш концепцияси

Охириги йилларда мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг устувор йўналишларига ҳамда халқаро стандартлар талабларига мос келадиган олий таълим тизимини барпо этиш бўйича катта ислохотлар амалга оширилмоқда.

Республика ҳудудларида янги олий таълим муассасаларининг ташкил этилиши, олий таълим билан камров даражасининг оширилиши, таълим жараёнига рақамли технологиялар ва замонавий усулларнинг жорий этилиши, замонавий таълим йўналишлари ва мутахассисликларда кадрлар тайёрлашда иш берувчилар билан ҳамкорлик алоқаларининг ривожлантирилиши, таълим олувчилар эҳтиёжидан келиб чиқиб сиртқи, кечки ва масофавий таълим шакллариининг очилиши, олий таълим муассасаларига қабул квоталарининг оширилиши мазкур йўналишдаги муҳим ислохотлар хисобланади.

Шу билан бирга, олий таълим муассасаларида таълим сифатини оширишга тўсиқ бўлаётган бир қатор муаммолар сақланиб қолмоқда:

талабаларда мустақил таълим олиш, танқидий ва ижодий фикрлаш, тизимли таҳлил қилиш, тadbиркорлик кўникмаларини шакллантириш, ўқув жараёнида компетенцияларни кучайтиришга қаратилган методика ва технологияларни жорий этиш, ўқув жараёнини амалий кўникмаларни шакллантиришга йўналтириш, буюборада ўқув жараёнига халқаро таълим стандартларига асосланган илғор педагогик технологиялар, ўқув дастурлари ва ўқув-услубий материалларни кенг жорий этиш амалиётининг пастлиги;

талабалар билимини баҳолаш тизими технологияларини такомиллаштириб бориш ва ҳолисоналигини таъминлаш, жумладан, баҳолашнинг талабалар билан бевосита алоқасиз шакллариининг ривожлантирилмаганлиги;

фанларни ўзлаштиришда талабалар орасида соғлом рақобатни ривожлантириш механизмиларининг ишлаб чиқилмаганлиги;

ишлаб чиқариш корхоналарида амалий машғулотларнинг самарали ташкил этилмаётганлиги, тайёрланаётган мутахассислар малакавий даражаси меҳнат бозорининг замонавий талабларига етарлича жавоб бермаётганлиги;

профессор-ўқитувчиларнинг хорижий тиллар ва ахборот-коммуникация технологияларини ўзлаштириш даражасининг пастлиги сабабли, уларнинг касбий маҳорати бугунги кун талабларидан ортда қолаётганлиги;

ўқув адабиётларининг етишмовчилиги, мавжудларининг аксарият қисми замон талабларига жавоб бермаслиги, ўқув адабиётлари сифатини яхшилаш, хорижий адабиётлардан кўшимча ёки муқобил ўқув адабиётлари сифатида фойдаланиш ишлари етарли даражада ташкил этилмаганлиги;

талабалар мустақил таълимни ташкил этиш ва назорат қилишнинг самарали механизмиларининг мавжуд эмаслиги шулар жумласидандир.

Фикримизча, юқоридаги муаммоларни ҳал этишда ОТМлар фаолиятида таълим олиш ва таълим беришнинг замонавий усулларидан, шу жумладан, талабалар мустақил таълимни оммавий очиқ онлайн курслар (ОООК) асосидаги усул ва воситалардан самарали фойдаланган ҳолда чора-тадбирлар белгилаш орқали ечим топиш мумкин.

Мамлакат олий таълим тизимига кредит-модуль тизимининг жорий этилиши ҳам ОТМлар фаолиятида ТМТни халқаро тажрибалар асосида ташкил қилиш, баҳолаш ва назорат қилиш заруриятини келтириб чиқармоқда.

Бугунги кунда ОТМларда берилаётган таълим сифати ҳам айнан талабалар мустақил таълимини қай даражада самарали ташкил этилганлиги ва қандай натижаларга эришилаётганлиги билан баҳоланади. Эндиликда босқичма-босқич равишда ТМТни ташкил қилиш ва назорат этишда натижаси ҳамда самараси паст бўлган анъанавий ёндашувлардан воз кечиб, натижаси ва самараси юқори бўлган замонавий илғор шакл ва усуллардан фойдаланиш амалиётига ўтиш давр талаби бўлиб колмоқда.

Шундан келиб чиққан ҳолда бугунги кунда ОТМларда барча бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича тайёрланаётган кадрларнинг мустақил таълимини ташкил қилиш ҳамда назорат этишнинг ОООК таълимий платформаларидан самарали фойдаланиш концепциясини ишлаб чиқишга эҳтиёж сезилмоқда.

Мазкур концепция қуйидаги ёндашувлар ва вазифаларни белгилаш асосида ташкил қилиниши мақсадга мувофиқдир:

– ОТМлардаги мавжуд таълим йўналишлари ва мутахассисликлари, таълим шакллари ҳамда босқичлари бўйича ТМТни ташкил қилишда ОООК таълимий платформаларини қўллашдаги мавжуд имкониятлар ва муаммоларни аниқлаш, уларни таҳлил қилиш, шунингдек, инвентаризациядан ўтказиш;

– ОТМлар таълим йўналишлари ва мутахассисликларининг ўзига хослигидан келиб чиқиб, ОООК таълимий платформаларидан фойдаланиш учун зарур бўладиган шарт-шароитларни яратиш, моддий техник базани мустаҳкамлаш;

– профессор-ўқитувчиларнинг ОООК таълимий платформалари билан ишлаш бўйича билим, кўникма ва маҳоратларини ошириш, уларни тайёрлаш, ТМТни ташкил этишнинг илғор методлари билан таништириш, ўз фанларига тааллуқли қисқа муддатли ўқув курсларида ўқишларини ташкил қилиш;

– ТМТни ОООК таълимий платформалари орқали ташкил қилиш ва ривожлантиришнинг таълим ҳамда билим олиш соҳалари

кесимидаги устувор йўналишларни белгилаб олиш. Бунда ОТМлардаги илмий тадқиқот ишлари натижадорлигини оширишга, ёшларни илмий фаолиятга кенг жалб этишга, илм-фаннинг инновацион инфратузилмасини шакллантиришга қаратилган STEAM йўналишларига биринчи навбатдаги масала сифатида эътибор қаратилиши лозим;

– ҳар бир кафедра кесимида ўқитиладиган фанлар бўйича ОООК таълимий платформалари ўрганилиши, уларни билим соҳалари ва ўқитиладиган тиллар шакли, ўқув курсининг давомийлиги, модуллашган ёки модуллашмаганлиги, сертификатли ёки сертификатсиз каби таснифлар бўйича ОООК таълимий платформалари асосида ТМТни шакллантириш йўл харитасини ишлаб чиқиш;

– ОООК таълимий платформалари атрофлича ўрганилиб, таҳлил қилингандан сўнг фан/модуль силлабуслари (ўқув дастурлари)ни ишлаб чиқиш мақсадида тегишли таълим йўналишлари ва мутахассисликлари, таълим шакллари ва босқичлари бўйича мустақил таълим топшириқларини тайёрлаш ҳамда уларни баҳолаш механизмларини ишлаб чиқиш;

– юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда ОТМлар фаолиятида ОООК таълимий платформалари асосида индивидуал ёки кичик гуруҳлар учун ТМТни ташкил қилиш мақсадида талабаларнинг тил билиш даражалари, компьютер саводхонлиги, мантиқий фикрлаш, фан ва билим соҳаларига бўлган қизиқишлари ҳамда фанларни ўзлаштириш кўрсаткичларидан келиб чиққан ҳолда уларни саралаш диагностикасини амалга ошириш;

– ОООК таълимий платформалари орқали мустақил таълим олиб, юқори натижаларга эришаётган иқтидорли ёшларни аниқлаб олиш ва уларни фан олимпиадаларидаги иштирокини кенгайтириш, илмий фаолиятга бўлган қизиқишини ошириш, «устоз-шогирд» тизими асосида тегишли соҳада юқори натижаларга эришган малакали мутахассисларга бириктириш ҳамда олий

таълимдан кейинги таълим боскичларига саралаб олиш механизmlарини ишлаб чиқиш;

– ОООК таълимий платформалари асосида ТМТни самарали йўлга қўйган профессор-ўқитувчилар ҳамда фанларни ўзлаштиришда юкори натижаларни кўрсатган талабаларни моддий ва маънавий рағбатлантириш чора-тадбирларини амалга ошириш;

– биринчи боскич талабалар учун ахборот-технологиялари фанлари силлабусларида ОООК таълимий платформалари ва улардан самарали фойдаланиш имкониятлари бўйича алоҳида мавзулар киритилиш ва ўқитилиши мақсадга мувофиқдир.

### **3.2. Олий таълимда талабалар мустақил таълимни оммавий очик онлайн курслар орқали ташкил қилиш концепциясини самарали қўллаш механизми**

Олий таълимда талабалар мустақил таълимни оммавий очик онлайн курслар (ОООК) орқали ташкил қилишнинг асосий мақсади талабалар мустақил таълимни илғор таълимий технологиялар ва методлар асосида юкори малакали мутахассислар қилиб тайёрлаш ҳисобланади.

Талабалар мустақил таълимни ОООК таълимий платформалари орқали ташкил этиш, ўз навбатида, олий таълимдаги ўқув жараёнларини замонавий ахборот ва телекоммуникация технологиялари асосида йўлга қўйиш, талабаларга чуқур билим бериш, уларнинг мустақил ва креатив фикрлаш қобилиятларини ривожлантириш, бўш вақтни самарали ташкил этиш ҳамда таълим сифатини оширишга ижобий таъсир кўрсатувчи муҳим педагогик воситалардан биридир.

Юкоридаги параграфда олий таълимда талабалар мустақил таълимни ОООК таълимий платформалар орқали ташкил қилиш бўйича концепция таклиф қилинди, энди ушбу параграф доирасида уни амалга ошириш механизми ҳақида фикр юритамиз:

биринчидан, ОТМлардаги мавжуд таълим йўналишлари ва мутахассисликлари, таълим шакллари ва боскичлари бўйича ТМТни ташкил қилишда ОООК таълимий платформаларини қўллашдаги мавжуд имкониятлар ва муаммоларни аниқлаш, уларни таҳлил этиш ва инвентаризациядан ўтказиш мақсадида ОТМ ўқув ишлари бўйича проректор раҳбарлигида кафедра мудирлари, малакали профессор-ўқитувчилар ҳамда бошқа манфаатдор тузилмалар мутахассислари иштирокида ОООК бўйича махсус ишчи гуруҳ шакллантириш (кейинги ўринларда ОООК ишчи гуруҳ), унинг вазифа ва функцияларини белгилаб олиш лозим;

иккинчидан, ОООК ишчи гуруҳи томонидан ОТМлар барча таълим йўналишлари ва мутахассисликларининг ўзига хослигидан келиб чиқиб, ОООК таълимий платформаларидан фойдаланиш учун зарур бўладиган шарт-шароитларни ўрганиб чиқиш (компьютерлар билан жиҳозланган аудиториялар, интернет тезлиги, WiFi зоналар, АРМ ва АТМ хизматлари томонидан қўллаб-қувватланиш, овқатланиш, дам олиш ва ҳордик чиқариш каби шароитлар) ҳамда хулосалар тайёрлаш;

учинчидан, ОООК ишчи гуруҳ аъзоларини ОООК таълимий платформалар билан таништириш, улар билан ишлаш бўйича билим, кўникма ва маҳоратларини ошириш юзасидан қисқа муддатли (5 кунлик) ўқув курсларини ташкил қилиш;

тўртинчидан, ОООК ишчи гуруҳи томонидан ҳар бир кафедра бўйича ТМТни ОООК таълимий платформалари орқали ташкил қилишнинг таълим ва билим олиш соҳалари кесимида STEAM йўналишлар рўйхатини шакллантириш;

бешинчидан, ОООК ишчи гуруҳи томонидан ҳар бир кафедра кесимида STEAM йўналишлар бўйича ўқитиладиган фанлар кесимида ОООК таълимий платформалари ўрганилиши, уларни тегишли фанлар, уларнинг давомийлиги, ўқитиш тиллари, фаннинг модуллашган ёки модуллашмаган тавсифи, қўшимча моддий ресурсга эҳтиёж бўлиши ёки бўлмаслиги, фанни тамомлагандан

кейин сертификат олиш ёки олмаслик каби таснифлари бўйича ОООК таълимий платформаси асосида ТМТни шакллантириш йўл харитасини ишлаб чиқиш;

олтинчидан, ОООК таълимий платформалари атрофлича ўрганилиб, тахлил килингандан сўнг кафедралар томонидан тегишли фан/модуль силлабусларида тегишли таълим йўналишлари ва мутахассисликлари, таълим шакллари ва боскичлари бўйича ТМТ топширик ва вазифаларини шакллантириш, уларни баҳолаш ҳамда НЕМИС ахборот ресурс тизимида расмийлаштириш бўйича намунавий йўриқнома ишлаб чиқиш. Заруриятга кўра, НЕМИС ахборот ресурс тизимида ТМТни ОООК таълимий платформалари бўйича ташкил килиш бўйича алоҳида функционал бўлим яратиш мақсадга мувофиқдир;

еттинчидан, юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда деканат, кафедра ёки мутасадди тузилмалар томонидан ОТМлар фаолиятида ОООК таълимий платформалар асосида ТМТни ташкил килишда индивидуал ёки кичик гуруҳларни шакллантириш мақсадида талабаларнинг тил билиш даражалари, компьютер саводхонлиги, мантикий фикрлаш, фан ва билим соҳаларига бўлган кизиқишлари, фанларни ўзлаштириш кўрсаткичларидан келиб чиққан ҳолда уларни саралаш диагностикасини амалга ошириш (тестлар, сўровномалар, суҳбатлар ва бошқа шаклларда);

саккизинчидан, ОООК таълимий платформалари орқали мустақил таълим олиб, юқори натижаларга эришаётган ва илмий тадқиқот олиб бориш кўникмаларини шакллантирган иктидорли ёшларни аниқлаш, уларни фан олимпиадаларидаги тегишли соҳада кенгайтириш, «устоз-шогирд» тизими асосида тегишли соҳада юқори натижаларга эришган малакали мутахассисларга бириктириш ва олий таълимдан кейинги таълим боскичларига саралаш олиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш;

тўккизинчидан, биринчи боскич талабаларига ўқитиладиган ахборот-технологиялари фанлари силлабусларида ОООК таълимий платформалар ва улардан самарали фойдаланиш имкониятлари бўйича алоҳида мавзулар киритилиши ва ўқитилишини таъминлаш чораларини кўриш;

ўнинчидан, ОООК таълимий платформалари асосида ТМТни самарали йўлга қўйган профессор-ўқитувчилар ҳамда фанларни ўзлаштиришда юқори натижаларни кўрсатаётган талабаларни моддий ва маънавий рағбатлантириш чора-тадбирларини амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

ОООК ишчи гуруҳи томонидан тавсия килинган хулосалар асосида ҳар бир кафедрада кафедра мудирини раҳбарлигида ОООК таълимий платформалар асосида талабалар мустақил таълимни ташкил килиш ва ривожлантириш бўйича мунтазам ишлайдиган ишчи гуруҳлар тузилиб, уларнинг фаолиятлари кафедра йнгилишларида муҳокама килиниб борилади.

ОООК таълимий платформалари асосида ТМТни ташкил килиш мураккаб жараён бўлганлиги учун уни “Bleanded learning” (Аралашган таълим) шаклида анъанавий ўқитиш усуллари билан бирга олиб бориш мумкин. “Bleanded learning” туридаги таълим шаклида назарий, ўқув-лаборатория ва амалий машғулотларни мустақил ўзлаштириш, оралик ҳамда якуний баҳолаш синовларига тайёргарлик кўриш, назорат топшириқларини бажариш шунингдек, топшириш жараёнларини ҳам анъанавий ҳам масофадан туриб амалга ошириш имкониятларини назарда тутати.

Шунингдек, ОООК таълимий платформалари асосида ТМТни ташкил килиш ва назоратини олиб бориш ОТМларнинг Moodle ўқув платформаси кўмагида ҳам бўлиши мумкин. Бунда ОООК таълимий платформалари асосидаги ТМТнинг вазифа ва топшириқлари Moodle ўқув платформасида расмийлаштирилади ва уларни бажариш юзасидан фан ўқитувчилари томонидан талабаларга тегишли консультациялар бериб борилади.



3.2.1-расм. Онлайн очик курсларни ташкил этиш ва баҳолаш жараёни.

Кафедралар ўз фаолиятлари давомида талабалар ва профессор-ўқитувчиларнинг ОООКдан фойдаланиш самарадорлигини тахлил қилишлари, заруриятга кўра улар учун махсус ўрганиш курсларини ташкил қилишлари, ОООКдан фойдаланиш бўйича йўриқнома ва услубий кўрсатмалар ишлаб чиқишлари зарурдир.

ОТМларида малакали кадрлар танқислиги бўлган шароитда бирор фан ёки модулни тўлиқ ОООК таълимий платформаси асосида ўқитишни режа қиладиган бўлса, у ҳолда ўқув жараёнини ташкил қилиш учун қуйидаги ҳужжатларни тайёрлаш ва ишлаб чиқиш лозим бўлади:

- ўқув жараёни графиги;
- йўналиш/мутахассислик бўйича ишчи ўқув режаси;
- фанлар бўйича ўқув дастурлари (силлабуслар);
- ўқув машғулотларининг электрон жадвали;
- назорат ишларини қайд этишнинг электрон журнали;
- талабаларнинг ОООК ўқиш давомида пайдо бўлган саволлари бўйича форумда қатнашишини қайд этиш электрон журнали;
- тармоқ орқали назорат ишларини қабул қилинишини ва ўтказилган консультацияларни қайд этиш электрон журнали;
- фан (курс) бўйича ўқув дастури (силлабус);

- курсни мустақил ўрганиш бўйича йўриқнома ва услубий кўрсатмалар.

Оммавий очик онлайн курсларда таълим олган (курсни тугатган) талабаларни рўйхатга олиш, ОООК ўқиш тугатгандан кейин аккредитациядан ўтказиш қуйидаги тартибда амалга оширилиши мақсадга мувофиқ:

1. Оммавий очик онлайн курсларда ўқишни бошламоқчи бўлган талабалар деканат томонидан НЕМИС ахборот ресурс тизимига “ўзлаштириш” блокига интеграция қилинади.

2. Оммавий онлайн очик курсни тугатган талаба томонидан тайёрланган назорат иши ёки курс лойиҳаси электрон вариантда профессор-ўқитувчига (ёки махсус тузилган ишчи комиссияга) НЕМИС таълим ахборот тизими орқали етказилади. Профессор-ўқитувчи (ёки махсус тузилган ишчи комиссия) электрон гуруҳ журналига қайд қилиб қўяди ва тақриздан ўтказиб талабанинг НЕМИС таълим ахборот тизимида “ўзлаштириш” блокадаги талабанинг билимини баҳолаш қайдномасига тегишли бални қўйиб баҳолайди (3.2.1-жадвал).

3.2.1-жадвал

Мустақил таълим бўйича билимларни оралик назоратда баҳолаш механизми

Оралик назорат	Мустақил таълим*	Якуний назорат	Жами:
20 балл	30 балл	50 балл	100 балл
Ўтиш бали 12 балл	Ўтиш бали 18 балл	Ўтиш бали 30 балл	Ўтиш бали 60 балл
Ўтиш бали 30 балл			

\*- ОООКлар бўйича тестлар, ҳисоб-график ишлари, тақдимот-лойиҳа иши, workshop, курс лойиҳаси ва бошқа топшириқларнинг баҳолаши.

Талабалар оммавий онлайн очик курсларни ўрганилаётган фаннинг ишчи дастурида кўрсатилган график асосида бажариши ва уларни сессия бошланишига кадар тугатиши зарур. Талабалар томонидан семестр (ўқув йили) давомида ООКда бажарган топшириклари НЕМИС ахборот ресурс тизимида талаба томонидан бажарилган барча назорат ишлари қайд этилиб борилади ва деканат томонидан назорат қилинади. НЕМИС ахборот ресурс тизимида автоматик равишда ушбу ишлар рўйхатга олиш журналига қайд қилинади ва топширилган санаси кўрсатилади.

## ХУЛОСА

Олий таълимда талабалар мустақил таълимни оммавий очик онлайн курслар асосида ташкил қилиш усуллари мавзусида амалга оширилган Лойиҳа иши натижалари асосида қуйидаги асосий хулосалар шакллантирилди:

1. Олий таълимда талабаларнинг мустақил таълим олишлари, танқидий ва ижодий фикрлашлари, тизимли таҳлил қилиш ҳамда тадбиркорлик кўникмаларини ривожлантириш, ўқув жараёнида компетенцияларни кучайтиришга қаратилган методика ва технологиялардан фойдаланиш, ўқув жараёнини амалий кўникмалар шакллантирувчи йўналишга айлантиришда бир қатор муаммоларни ҳал этиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

2. Бу борада ўқув жараёнига халқаро таълим стандартларига асосланган илғор педагогик технологиялар, ўқув дастурлари ва ўқув-услубий материалларини кенг жорий этиш, фанларни ўзлаштиришда талабалар орасида соғлом рақобатни ривожлантириш, талабалар билимини баҳолаш тизими технологияларини такомиллаштириш, уларнинг шаффофлигини таъминлаш, ишлаб чиқариш корхоналарида амалий машғулотларнинг самарали ташкил этилиши, тайёрланаётган мутахассисларнинг малакавий даражаси меҳнат бозорининг замонавий талабларига жавоб бериши билан боғлиқ кечиктириб бўлмайдиган муҳим вазифаларни ҳал этиш зурриятини юзага келтириб чиқармоқда.

3. Олий таълимда талабалар мустақил таълимни ташкил этиш ва назорат қилиш, мустақил таълимни олиб боришнинг анъанавий шакллари ҳамда усуллари, берилаётган материалларнинг сифати, уларни бажариш, тақдим этиш ва ўқитувчи томонидан баҳолашнинг жорий ҳолат таҳлиллари (сўровнома натижалари) талабаларда танқидий ва ижодий фикрлаш, тизимли таҳлил қилиш, илмий тадқиқот олиб бориш кўникмаларини етарлича ривожлантиришга

хамда фанларга ажратилган кредитларни шаффоф ўзлаштиришга хизмат қилмаётганлигини кўрсатмоқда.

4. Лойиҳа ишида олиб борилган ўрганишлар натижаси олий таълимда талабалар мустақил таълимини оммавий очик онлайн курслар (ОООК) таълимий платформалари орқали ташкил қилиш таълим сифатини оширишга сезиларли даражада ижобий таъсир кўрсатиши аниқланди.

5. Олий таълимда талабалар мустақил таълимини ОООК таълимий платформалар асосида ташкил қилишнинг концепцияси ва уни амалга ошириш механизми ишлаб чиқилди.

6. Мазкур концепция ва уни амалга ошириш механизмини ОТМлар фаолиятида самарали қўллаш олий таълимда талабалар мустақил таълимини ташкил қилишнинг сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқишига ўзининг амалий таъсирини кўрсатади.

## Фойдаланилган адабиётлар

**Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари**  
1. Мирзиёев. Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимида бағишланган Олий Мажлис палаталарининг кўшма мажлисидаги нутқ / – Тошкент : Ўзбекистон, 2017, 56 б.

2. Мирзиёев. Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз / – Тошкент: Ўзбекистон, 2017, 592.

3. Мирзиёев. Ш.М. Янги Ўзбекистон Стратегияси. Тошкент: “O‘zbekiston” нашриёти, 2021 464 б.

**Қонун ва меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар**  
4. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрдаги ЎРҚ-637-сонли янги тахрирдаги “Таълим тўғрисида”ги Қонуни.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 декабрдаги, ПК-60-сон “Давлат олий таълим муассасаларининг академик ва ташкилий-бошқарув мустақиллигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 декабрдаги “Олий таълим муассасаларида таълим жараёнини ташкил этиш билан боғлиқ тизимни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 824-сон қарори.

вного  
ание.

ges in  
edia.-

лазо-  
техи

ные  
ый  
гво  
и.

ни  
//  
е-

-  
й  
1

9. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2021 йил 15 январдаги “Олий таълим муассасаларида ўқув жараёнига кредит-модуль тизимини жорий этишни ташкилий масалаларига тааллуқли ҳужжатлар намуналарини тасдиқлаш тўғрисида”ги 30-сон буйруғи.

10. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2021 йил 19 октябрдаги “Олий таълимнинг давлат таълим стандарти. Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори. Ўзбекистон Республикасининг давлат стандартини тасдиқлаш тўғрисида”ги 11-сон буйруғи.

#### Махсус адабиётлар

11. Артеменко В. Б. МООС и мониторинг качества жизни населения регионов Украины // Международный электронный журнал "Образовательные технологии и общество (Educational Technology & Society) 2014, том 17, №1, С. 374-384. <http://ifets.ieee.org/russian/periodical/izgurn.htm>

12. Бегимкулов У.Ш. Замонавий ахборот технологиялари муҳитида педагогик таълимни ташкил этиш. // “Педагогик таълим” жур, № 1, 2004.

13. Бегимкулов У.Ш. Педагогик таълим жараёнларини ахборотлаштиришни ташкил этиш ва бошқариш назарияси ва амалиёти: Педагогика фанлари доктори. ... дисс. – Т., 2007, 3 б.

14. Вафоев Б.Р., Ибрагимова С.Б. Ахборот тизимлари ва технологиялари. Ўқув-услубий қўлланма. – Т.: ЎзДЖТИ, 2015, 190 б.

15. В. Ўринов. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим муассасаларида ECTS кредит-модуль тизими: асосий тушунчалар ва қоидалар. Ўқув қўлланма. Эл-юрт умид жамғармаси ва Республика Олий Таълим Кенгаши билан ҳамкорликда. 2020 й. 64 б.

16. Усмонов Б.Ш., Хабибуллаев Р.А. Олий ўқув юртларида ўқув жараёнини кредит-модуль тизимида ташкил қилиш. Ўқув қўлланма. – Тошкент., ТКТИ, 2020, 120 бет.

17. Григорьев С.Г., Андриюшкова О.В. Критерии эффективного использования Blended Learning. Ж. Информатика и образование. 2016. №8 6-19 с.

18. Duhaney D. Technology and higher education: Challenges in the halls of academe // International Journal of Instructional Media. 2005, Vol.32, №1. -P.7-15

19. Петькова Ю.Р. История развития дистанционного образования: положительные и отрицательные стороны МООС // Успехи соврем. естествознания. 2015. № 3. С. 199-204.

20. Скрипкин К.Г. Эффективность ИТ и организационные изменения в современном российском вузе // Международный электронный журнал "Образовательные технологии и общество (Educational Technology & Society). 2013, том 16, №2, С. 573-586. [http://ifets.ieee.org/russian/depositary/v16\\_i3/html/11.htm](http://ifets.ieee.org/russian/depositary/v16_i3/html/11.htm)

21. Зайцева В.П. Система Moodle как инструмент реализации компьютерного тестирования и контроля знаний студентов вуза // современные проблемы науки и образования. <http://www.science-education.ru/113-11522>

22. Захарова О. А. Развитие корпоративного обучения: от «e-Learning» до «weLearning» // Международный электронный журнал "Образовательные технологии и общество (Educational Technology & Society) 2013, том 16, №2, С.529-546. [http://ifets.ieee.org/russian/depositary/v16\\_i2/html/13.htm](http://ifets.ieee.org/russian/depositary/v16_i2/html/13.htm)

23. Commission of the European Communities. A Memorandum on Lifelong Learning. Brussels, 30.10.2000 SEK (2000) 1832, p.3.

24. American university self-study. Prepared for the Middle States Commission on Higher Education and the AU Community. January 2014, pp. 19, 207 and 246.

25. Lewin T. Instruction for masses knocks down campus walls. Published: 4 March, 2012. URL: <https://www.nytimes.com/2012/03/05/education/moocs-large-courses-open-to-all-topple-campus-walls.html>

26. Мишнев Б.Ф., Филь Н.П., Скворцов А.А. Опыт внедрения и перспективы развития дистанционного обучения в TSI // Международный электронный журнал "Образовательные технологии и общество (Educational Technology & Society) 2013. Том 16, №4, С. 475-492.

27. Можаяева Г.В. Массовые онлайн-курсы: новый вектор в развитии непрерывного образования // Открытое и дистанционное образование. 2015. № 2 (58).

28. На Coursera появились русскоязычные курсы. Лента.ру Режим доступа 24 октября 2013 <http://lenta.ru/news/2013/10/24/coursera/>.

29. Хамидов В.С. Методы и модели веб ориентированных адаптивных обучающих систем/LAP LAMBERT Academic Publishing, Germany. 228 с.

30. Хамидов В.С. Таълим тизимида кескин бурилишга сабаб бўлган 4 дастур ҳақида. <http://uz.infocom.uz/2009/12/21/ta'lim-tizimida-keskin-burilishga-sabab-bo'lgan-4-dastur-haqida/>

31. Хамидов В.С. Эркин ва очик кодли LMS тизимлар таҳлили, infocom.uz журнали №7,8. 14 бет, 2013 й.

32. Махмонов У.А. Кредит-модуль тизимида талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этиш ва назорат қилиш технологияси/ Zamonaviy ta'limda pedagogika va psixologiya fanlari. № 1 (2021).

33. Хайитова Ш.Д. Талабалар мустақил таълим олишини фаоллаштириш бугунги давр талаби. Analytical journal of education and development/Volume: 01 Issue: 05 | 2021 ISSN: 2181-2624

34. Ҳикматов Н. Мустақил таълимни самарадорлигини оширишда МООСлардан фойдаланиш. Science and innovation. International Scientific Journal, Volume 1, Issue 8. 2022, 3-5 бетлар.

35. Система оценивания качества образовательного процесса в европейских странах (Великобритания, Дания, Нидерланды, Норвегия, Финляндия, Швеция) и США [Электронный ресурс] –

Электрон. дан. – М.: 2009 – Режим доступа: URL:[http://www.pssw.vspu.ru/other/science/publications/klicheva\\_merkulova/chaper1\\_quality](http://www.pssw.vspu.ru/other/science/publications/klicheva_merkulova/chaper1_quality).

### Электрон ресурслар

1. [www.gov.uz](http://www.gov.uz)
2. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
3. [www.edu.uz](http://www.edu.uz)
4. [www.bilim.uz](http://www.bilim.uz)
5. [www.mf.uz](http://www.mf.uz)
6. [www.stat.uz](http://www.stat.uz)
7. <http://ziyonet.uz>
8. <https://www.khanacademy.org/>
9. [online-learning.harvard.edu](http://online-learning.harvard.edu)
10. [classcentral.com](http://classcentral.com)
11. [coursera.org](http://coursera.org)
12. <https://www.edx.org/>
13. <https://www.udacity.com/>
14. <https://www.udemy.com/>
15. <http://elearning.zn.uz/> <https://www.lektorium.tv/>
16. <https://www.vdu.lt/en/research/projects/archive/vmpass/>
17. [http://www.aic.lv.ace.ace\\_disk.Bologna.maindoc.Lisb\\_conv.pdf](http://www.aic.lv.ace.ace_disk.Bologna.maindoc.Lisb_conv.pdf)
18. <https://ru.pinterest.com/vkhamidov/>
19. <http://elearning.zn.uz/>
20. <http://sifat2016.ulcraft.com/>
21. <http://www.active.uz/>
22. <http://ziyonet.uz>
23. <http://elearning.zn.uz/>
24. <http://dr-sharipov.com/>
25. <http://www.natlib.uz/>
26. The Open University (Буюк Британия) - <http://openlearn.open.ac.uk/>

27. Yale University (АҚШ) - <http://oyc.yale.edu/>
28. Princeton University (АҚШ)  
- <http://www.princeton.edu/WebMedia/lectures/>
29. Harvard University (ҚШ) <http://ocp.hul.harvard.edu/>,  
<http://www.extension.harvard.edu/openlearning/>
30. Massachusetts Institute of Technology (АҚШ) - <http://ocw.mit.edu/>
31. Nagoya University (Япония) - <http://ocw.nagoya-u.jp/index.php?lang=en>
32. University of Nottingham (Буюк Британия)  
- <http://unow.nottingham.ac.uk/>
33. University of Southern Queensland (Австралия) - <http://ocw.usq.edu.au/>
34. Paris Institute of Technology (Франция)  
- <http://graduateschool.paristech.org/>
35. Очик таълим ресурслар каталоги - <http://ru.iite.unesco.org/oc/>
36. Рус тилидаги ягона таълим дарчаси - <http://window.edu.ru/>
37. Очик электрон таълим ресурслар базаси  
- <http://www.school-collection.edu.ru>
38. Интернет университет таълим платформаси - <http://www.intuit.ru/>
39. Open Course Wire - <http://ruocw.org>
40. Open educational Resources Portal <http://www.temoa.info/>
41. OCW Consortium <http://www.ocwconsortium.org>
42. FREE Federal Resources for Educational Excellence  
<http://www.free.ed.gov>
43. Educational Resources Information Center (ERIC) <http://www.eric.ed.gov/>
44. Gateway to Educational Materials <http://www.thegateway.org/>
45. Connexions <http://www.cnx.org>
46. Educational Network Australia online [http://www.edna.edu.](http://www.edna.edu.au/edna/go)

[au/edna/go](http://www.edna.edu.au/edna/go)

47. Open Educational Resources Commons <http://www.ocercommons.org/>
48. MERLOT <http://www.merlot.org/>
49. World Lecture Project <http://www.world-lecture-project.org/>
50. Video Lectures Net <http://videlectures.net/>
51. Project Gutenberg [http://www.gutenberg.org/wiki/Main\\_Page](http://www.gutenberg.org/wiki/Main_Page)
52. Халқаро дунё электрон китоблар базаси <http://www.wdl.org/ru/>
53. Рақамли кутубхона базаси <http://www.wdl.org/ru/>
54. American Memory <http://memory.loc.gov/ammem/index.html>

## МУАЛЛИФЛАР ЖАМОАСИ ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ


Т/р	Муаллифнинг Ф.И.Ш., илмий даража ва унвони	Иш жойи ва алоқа маълумоти
1.	Бердиназаров Зафар Улашович, и.ф.д. (DSc), доц.	Самарқанд давлат университети Денов тадбиркорлик ва педагогика институти ўқув ишлари бўйича проректори E-mail: <a href="mailto:berdinazarov@mail.ru">berdinazarov@mail.ru</a>
	Хамидов Воҳид Собирович, тех.ф.д.(PhD), доц.	Тошкент шаҳар "GID Tashkent" МЧЖ директор ўринбосари E-mail: <a href="mailto:vkhamidov@gmail.com">vkhamidov@gmail.com</a>
2.	Нурматов Орифжон Толибжанович, и.ф.д (PhD)	Фарғона политехника институти Ишлаб чиқаришда бошқарув факультети декани E-mail: <a href="mailto:nurmatovorifjon1976@gmail.com">nurmatovorifjon1976@gmail.com</a>
3.	Абдуллаев Комилжон Рискулович, кат. ўқитувчи	Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети Тиллар факультети ёшлар билан ишлаш бўйича декан ўринбосари E-mail: <a href="mailto:komi1jonabdullayev24@gmail.com">komi1jonabdullayev24@gmail.com</a>
4.	Бахромов Рустам Хамробоевич	Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Амалий математика ва интеллектуал технологиялар факультети Ёшлар билан ишлаш бўйича декан муовини E-mail: <a href="mailto:baxramov88_ru@mail.ru">baxramov88_ru@mail.ru</a>


## ИЛОВАЛАР

### 1-илова

#### Топ 10 етакчи оммавий очик онлайн курслар ҳақида маълумот

Т/р	Онлайн курс номи	Курснинг мақсади
1.		<p>Coursera платформасининг шiori – дунёдаги энг яхши таълимга универсал киришни таъминлаш.</p> <p>Coursera платформасининг мақсади – бу дунёдаги энг яхши университетлар ва ташкилотлар билан ҳамкорлик қилувчи таълим платформаси бўлиб, ҳар қимга бепул онлайн курсларни тақлиф қилиш.</p> <p>Coursera платформасининг вазифалари:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- қисқа видео маърузалар орқали ўқувчилар (тинловчилар)га мустақил таълим бериш;</li> <li>- интерактив виториналар орқали ўқувчини фаолликка жалб қилиш;</li> <li>- ўқувчилар томонидан курсларга баҳо бериш ва уларни бир-бирларига улашиш имкониятини яратин;</li> <li>- бошқа ўқувчилар ва ўқитувчилар билан боғланиш;</li> <li>- курсни тугатгандан сўнг ихтиёрий тасдиқланган сертификат билан муваффақиятнинг исъучун расмий эътирофга эга бўлиш.</li> </ul> <p>Coursera платформасининг қарашларини шакллантиришга таъсир кўрсатган 4 та асосий ғоя:</p> <ol style="list-style-type: none"> <li>1. Онлайн таълимнинг самардорлиги – онлайн таълим аънавий (юзма-юз, кундузи) таълимга нисбатан юқори натижалар бериши асосланган.</li> <li>2. Ҳашиштиришни ўрганиш – ўқувчиларнинг янада мукаммаллашган мавзулардан олдин мавзунини тўлиқ тушунишларига ёрдам бериши.</li> </ol>

	<p>3. <b>Ўқувчилар баҳолиши</b> – тадқиқотлар натижаси шунини кўрсатдики, ўқувчи учун тўғри кайта алоқа боғланиши, баҳоловчи учун эса қимматли ўрганиш тажрибасини юзага келтирди.</p> <p>4. <b>Аралиш таълим</b> – ўқувчиларнинг жалб қилинганлик, давомадлилик ва самарадорлик кўрсаткичларининг ўсишини асослади.</p>
<p>2.</p> 	<p><b>edX платформасининг шiori</b> – биз онлайн ва аудитория (синфхона)даги энг юқори сифатли таълимга ишонамиз.</p> <p>Бизнинг институционал ҳамкорларимиз, xColsonium ва бошқа етакчи глобал аъзолар билан Бизнинг институционал бўлган, гуллаб-яшаган ва ўсишни истаган ҳар бир кишига энг яхши бйрга, биз эришмоқчи бўлган, гуллаб-яшаган ва ўсишни истаган ҳар бир кишига энг яхши онлайн олий таълимни тақдим этамиз.</p> <p>Бизнинг мақсадимиз edXни шакллантиришда қўйилган мақсад ва тамойилларга эътибор қаратиш орқали бутун дунё бўйлаб ўқувчилар ва таълим олиши учун етакчи манбага айланишдир.</p> <p>Бизнинг мақсадларимиз:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- ҳамма учун таълим олиши имкониятини кенгайтириш;</li> <li>- талабалар шаҳарчасида ва онлайн ўқитиш ҳамда ўқитишни яхшилаш;</li> <li>- тадқиқот орқали ўқитиш ва ўрганишни илгари суриш.</li> </ul> <p>Бизнинг тамойиллар:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- нотижораг;</li> <li>- очик кодли платформа;</li> <li>- ҳамкорлик;</li> <li>- молиявий жахатдан барқарор.</li> </ul>
<p>3.</p> 	<p><b>Udacity</b> Бизнинг вазифамиз дунёга очик, арзон, қизикарли ва юқори самарали олий таълимни олиб чиқишдир. Биз олий таълим инсоннинг асосий ҳуқуқи эканлигига ишонамиз.</p> <p>ва биз талабаларимизга таълим олишлари учун имкониятлар беришга интиламиз.</p> <p>Биз "Силлкон вэлийен томондан" онлайн университет қурмоқдамиз, бу:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- бугунги кунда саноат иш бевувичиларини а зарур бўлган қўникмаларини ўргатади;</li> </ul>

 <p>UDACITY</p>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- иш бевувичилар томонидан тасдиқланган ишончномаларни тақдим этади;</li> <li>- анъанавий мактаблар нархидан кам миқдорда таълим беради.</li> <li>Саноат гигантлари - Google, AT&amp;T, Facebook, Salesforce, Cloudera ва бошқалар билан биз профессионаллар веб-иншлаб чикувчилар, маълумотлар таҳлилчилари, мобил дастурчилар ва бошқалар бўлишлари учун мўлжалланган Nanodegree дастурлари ҳамда ҳисоб маълумотларини тақлиф қиламиз.</li> <li>Талабаларимиз бир катор онлайн курслар ва амалий лойиҳалар орқали ҳақиқий Таалабаларимиз бир катор онлайн курслар ва амалий лойиҳалар орқали ҳақиқий кўникмаларга эга бўлишди.</li> </ul>
<p>4.</p> 	<p><b>FutureLearn</b> Биз ўрганиш қизикарли, ижтимоий тажриба бўлиши керак, деб ҳисоблаймиз, шунинг учун бизнинг курсларимиз сиз ўрганаётган нарсаларингизни бошқалар билан муҳокама қилиш, янги кашфиётлар қилиш ва янги гояларни шакллантириш имконини беради.</p> <p>Биз дунёнинг етакчи университетлари ва маданият муассасаларидан турли хил курсларни тақлиф этамиз. Улар бир вақтнинг ўзида бир қадам етказиб берилади ва мобил, планшет ҳамда иш столидан фойдаланиш мумкин, шунинг учун сиз ўранишни ҳаётингизга мослаштира оласиз.</p> <p>Биз бутунлай <b>The Open</b> университетига тегишли хусусий компаниямиз ва уларнинг масофавий таълим ва онлайн таълим бўйича 40 йилдан ортиқ тажрибасидан фойдаланамиз.</p> <p>Буюк Британия, Европа, Африка, Осиё ва Яқин Шарқдан 40 та ҳамкоримиз бор. Улар орасида Буюк Британия ва халқаро энг яхши университетлар, шунингдек, Британия Кенгаши, Британия кутубхонаси, Британия музейи ва Миллий кино ҳамда телевидения мактаби каби <b>узқан</b> маданият ва маърифий материаллар архивига эга муассасалар қиради.</p> <p><b>NovoED</b> педагогикадаги инновацияларнинг энг юқори чўққисида бўлишига интилади ва <b>бизнинг</b> платформамиз талабаларни бир-бирига, шунингдек, уларнинг ўқитувчиларига <b>мажбурдан микс</b>да улаш учун мўлжалланган ягона платформадир.</p>
<p>5.</p> 	

Талабаларга йўналтирилган онлайн таълим муҳитимиз энгиз сифинингиз деворларини ўзичи  
ташлай ва жамовий, ҳамкорлик ҳамда лойихага асосланган ёндашув орқали ўрганишни  
кенийтириши имконини беради.

Биз ўқувчиларга амалий фикрлаш, ҳамкорлик ва мулоқот қилиш қобилиятларини  
ривожлантиришга ёрдам берамиз.

Бизнинг курсларимиз фаол, ижтимоий, ўқув муҳитида яхшироқ жамовий ўйинчи, ижодий  
фикрловчи ва муаммоларни ҳал этувчи бўлишни ўрганишга ёрдам бериш учун мустаккам  
педагогик асосларга қурилган. Бизнинг инновацион технологиямиз сизни бошқа талабалар  
билан боғлаб туради, шунда сиз фикр алмашинингиз, гуруҳ лойихалари устида  
ишлашингиз, фикр-мулоҳаза олишингиз ва курс охиридан анча узоқ давом этадиган бошқа  
ўқувчилар билан муносабатлар ўрнатилишингиз мумкин.

Бизнинг қатъий оёру-ёгнобор тизимимиз, ҳисобдорлик амалиёти ва қалбдорлиги  
тенгдошларни текшириш талабаларга бир хил жойда ёки дунёнинг турли қисмларида  
бўлишидан қатъи назар, ўқиниш манфаатлар ва мажбуриятларга эга бўлган тенгдошлар  
тармоғини шакллантириши имконини беради.

**Iversity** Бизнинг мақсадимиз университетларни алмайтириши эмас, балки академикларни  
қучайтиришдир.

Iversity.org – бу онлайн таълим учун Европа платформаси бўлиб, у университетларга  
дунёнинг турли бурчақларида келган талабалар билан кен қўлдамли курсларни алмайтириш  
имконини беради ва уларга қаерда бўлишидан қатъи назар, таниқли ҳисобга олиши

маълумотларини олиши имкониятини беради.  
Биз Европа кредит ўтказиш ва жамғариш тизими (ECTS) билан ишлашга  
ихтисослашамиз.

Биз ўқитувчилар, олий таълим муассасалари ва билимга асосланган компаниялар билан  
юқори сифатли, кўзикарли, интерактив ва қизикарли курсларни тақдим этиш учун яқин  
ҳамкорликда ишлаймиз. Университет олий таълимни янада қулайроқ, арзонроқ ва  
шахсийлаштирилган қилади.



[iversity](https://iversity.org)





	Тибниёт (Health)			Эстон тили Япон тили Бурма тили Кагалон тили Дат тили Юнон тили Ҳинд тили Венгер тили Индонез тили Македон тили Форе тили
8. Математика ва логика (Math and Logic) – 70 та курс	Математика (Mathematics) Амалий математика (Applied Mathematics) Алгебра (Algebra) Банк иши (Banking) Умумий статистика (General Statistics) Геостатистика (Geostatistics) Журналистика (Journalism) Персонални бошқариш (People Management)			
9. Иجتимий фанлар (Social Sciences) – 401 та курс	Алгоритмлар (Algorithms) Андронд ишлаб чиқариш (Android Development) С дастурлаш тиллари (C Programming Language Family)			Серб тили Швед тили Таї тили Урду тили
10. Информатика (Computer Science) – 668 та курс				

	Майкрософт эксель (Microsoft Excel) Амазон веб хизматлари (Amazon Web Services) Сунъий нейрон тармоқлари (Artificial Neural Networks) Булутли иловалар (Cloud Applications) Креативлик (Creativity) Танқидий фикрлаш (Critical Thinking) Инсон тараққиёти (People Development) Истеъодларни бошқариш (Talent Management)			Украин тили Ўзбек тили
11. Информацион технологиялар (Information Technology) - 145 та курс				
12. Шахсий ривожланиш (Personal Development) - 137 та курс				

## СЎРОВНОМА

Хурматли талаба, кредит-модуль тизимида фанни ўзлаштиришда мустақил таълимга алоҳида эътибор берилди. Яъни талаба ўзлаштирадиган билимларни 40 фоизини аудиторияларда маъруза, амалиёт, семинар ва лаборатория машғулоти орқали ўзлаштирса, қолган 60 фоизини мустақил таълим орқали ўзлаштириши лозим. Институтда берилётган таълим сифати ҳам айнан талабаларни мустақил таълимни қай даражада олиб борётганликлари ва уни ташкил этилиш ҳолатига бевосита боғлиқ. Шу сабабли, сиздан ушбу сўровномани аноним тарзда ўтказишни жонз деб билдик.

1. Сизга ўқитилаётган фанлардан берилётган мустақил таълим учун топшириқлар фан силлабусида берилганми? \_\_\_\_\_ (Ҳа) \_\_\_\_\_ (йўқ) \_\_\_\_\_ (қисман)
2. Мустақил таълим учун тавсия этилган ёки берилган топшириқлар мазмуни сизни қониқтирадими? \_\_\_\_\_ (Ҳа) \_\_\_\_\_ (йўқ) \_\_\_\_\_ (қисман)
3. Мустақил таълимни олиб бориш учун тавсия этилган манбалар (дарсликлар, ўқув кўлланмалар, ижтимоий тармоқлардаги материаллар ва платформалар) сизни қониқтирадими? \_\_\_\_\_ (Ҳа) \_\_\_\_\_ (йўқ) \_\_\_\_\_ (қисман)
4. Онлайн очик курслар платформалари (Khan Academy, edX, Coursera, Stanford Online) ҳақида биласизми? \_\_\_\_\_ (Ҳа) \_\_\_\_\_ (йўқ)
5. Таълим жараёнида хусусан, мустақил таълим олишингиз жараёнида онлайн очик курслар платформаларидан фойдаланганмисиз? \_\_\_\_\_ (Ҳа) \_\_\_\_\_ (йўқ) \_\_\_\_\_ (қисман)
6. Мустақил таълим баҳоланишини зарур деб ҳисоблайсизми? \_\_\_\_\_ (Ҳа) \_\_\_\_\_ (йўқ)

## МУНДАРИЖА

<b>1-БОБ. ОЛИЙ ТАЪЛИМДА ТАЛАБАЛАР МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМИНИ ОММАВИЙ ОЧИҚ ОНЛАЙН КУРСЛАР АСОСИДА ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ</b> .....	5
1.1. Олий таълимда талабалар мустақил таълимни ташкил қилишнинг ҳуқуқий асослари.....	5
1.2. Олий таълимда талабалар мустақил таълимни ташкил қилишнинг назарий методологик асослари .....	10
1.3. Олий таълимда талабалар мустақил таълимни оммавий очик онлайн курслар асосида ташкил этишнинг зарурияти ва аҳамияти .....	20
<b>2-БОБ. ОЛИЙ ТАЪЛИМДА ТАЛАБАЛАР МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМИНИ ОММАВИЙ ОЧИҚ ОНЛАЙН КУРСЛАР АСОСИДА ТАШКИЛ ЭТИШ УСУЛЛАРИ</b> .....	28
2.1. Ўзбекистон олий таълимида талабалар мустақил таълимни ташкил қилиш усуллари ва жорий ҳолат таҳлили ...	28
2.2. Олий таълимда талабалар мустақил таълимни ташкил қилиш усуллари ва хорижий тажрибаси .....	37
2.3. Ўзбекистон олий таълимида талабалар мустақил таълимни ташкил қилишда оммавий очик онлайн курслардан фойдаланиш имкониятлари .....	47
<b>3-БОБ. ОЛИЙ ТАЪЛИМДА ТАЛАБАЛАР МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМИНИ ОММАВИЙ ОЧИҚ ОНЛАЙН КУРСЛАР АСОСИДА ТАШКИЛ ЭТИШ УСУЛЛАРИНИ САМАРАЛИ ҚЎЛЛАШ МЕХАНИЗМЛАРИ</b> .....	62
3.1. Олий таълимда талабалар мустақил таълимни оммавий очик онлайн курслар орқали ташкил қилиш концепцияси ..	62
3.2. Олий таълимда талабалар мустақил таълимни оммавий очик онлайн курслар орқали ташкил қилиш концепциясини самарали қўллаш механизми .....	66
<b>Хулоса</b> .....	73
<b>Фойдаланилган адабиётлар</b> .....	75
<b>Иловалар</b> .....	83

**З.У.БЕРДИНАЗАРОВ, С.В.ХАМИДОВ, О.Т.НУРМАТОВ,  
К.Р.АБДУЛЛАЕВ, Р.Х.БАХРОМОВ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМДА ТАЛАБАЛАР  
МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМИНИ ОММАВИЙ  
ОЧИҚ ОНЛАЙН КУРСЛАР АСОСИДА  
ТАШКИЛ ЭТИШ УСУЛЛАРИ**

Тошкент – «Innovatsion rivojlanish nashriyot-matbaa uyi» – 2023

**Мухаррир:** М.Ҳайитова  
**Тех. муҳаррир:** М.Турсунов  
**Мусаввир:** Ш.Зоҳидова  
**Мусахҳих:** Л.Ибрагимов  
**Компьютерда  
сахифаловчи:** Ш.Расулов

**E-mail:** nashr2019@inbox.ru **Тел:** +99899920-90-35  
**Nashr.lits.** 3226-275f-3128-7d30-5c28-4094-7907, 08.10.2020.

**Босишга руҳсат этилди** 01. 05. 2023.

**Бичими** 60x84<sup>1</sup>/<sub>16</sub>. «Times Uz» гарнигураси.

**Офсет усулида** босилди.

**Шартли босма табоғи** 6,5. **Нашр босма табоғи** 6,0.

**Тиражи** 100. **Буюртма №** 62.

«Innovatsion rivojlanish nashriyot-matbaa uyi»  
босмаҳонасида чоп этилди.  
100174, Тошкент ш., Олмазор тумани Университет кўчаси, 7-  
уйи.

